



МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ҚОЗОҒИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БЎЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Ражаб Тойиб Эрдўнганга мамлакатнинг бир қанча ҳудудларида сув тошқинлари туфайли юзага келган мураккаб вазиятда кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдирди.

Президентлар аънавий дўстлик, қардошлик ҳамда стратегик шерикликка асосланган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, сарможий ҳамда маданий-гуманитар йўналишларда тобора жадаллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Қозоғистон Президенти Туркия Республикаси билан қардошлик муносабатларини, шунингдек, икки мамлакат халқлари ўртасидаги доимий ҳамкорлик ва ўзаро дўстликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида президентлар икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар ва бўлажак учрашувлар режасини кўриб чиқдилар.

Қозоғистон ва Туркия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимигдек очиқ, ишончли ва дўстона руҳда ўтди.

Akorda.kz.

ҚР Парламент Сенатида



ОРОЛ ЭКОТИЗИМИНИ ТИКЛАШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

ҚР Парламент Сенати раиси Маулен Ашимбаев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Фараҳ Каримий бошчилигидаги делегация билан учрашди. Томонлар халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Маулен Ашимбаев Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик руҳида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Марказий Осиё давлатларининг атроф-муҳит ҳолати, иқлим ўзгариши, трансчегаравий дарёлар, ирригация, сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа соҳалардаги муаммолар билан боғлиқ долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, Орол денгизи экотизимини тиклаш бўйича қўшма лойиҳалар ва палатанинг бу борадаги қонунчилик ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

— 2022 йилда давлат раҳбарлари Марказий Осиёни XXI асрда ривожлантириш бўйича дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолادилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан ҳамкорлик бўйича икки томонлама парламентлараро комиссиялар доирасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Бундан ташқари, биз янги платформа — Марказий Осиё давлатлари парламентлараро форумини ташкил этдик. Ўтган йили биринчи форум Қозоғистонда ўтди, — деди палата раиси.

Маулен Ашимбаев парламент вакилларига Қозоғистонда Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ҳақида ҳам ахборот берди.

ТУРКСОЙ ҳам Қозоғистон халқига ёрдам кўрсатади

Туркий маданият халқаро ташкилоти ТУРКСОЙ мамлакатнинг қатор ҳудудларида кучли сув тошқинидан жабр кўрган Қозоғистон фуқароларига ёрдам бериш ниятида.

Бу ҳақда ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев маълум қилди.

— Туркий оламни бирлаштириш мақсадида ташкил этилган ТУРКСОЙ ташкилоти оғир дамларда қардош давлатларнинг дardini енгил қилиш учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр. Ушбу оғир даврда биз Қозоғистонга ва мамлакат халқига ёрдам кўрсатмоқдамиз. Биз Қозоғистон билан биргамиз! Бугун Қозоғистон оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Шимолий Қозоғистоннинг айрим ҳудудлари тўфон суви остида қолди. Мамлакат иқтисодиёти бу табиий офатдан улкан зарар кўрди. Сизларнинг ташвишингиз — бизнинг ҳам ташвишимиз, — деди ТУРКСОЙнинг Бош котиби.

24.kz.

ЎЗБЕГ-У ҚОЗОҒИМ,
ҚОН-ҚАРДОШ
ЭЛИМ!

5-бет

ЁРИЛ, ЁРИЛТОШ,
МЕН УКАМНИ
БИР КЎРАЙИН...

7-бет

САХОВАТПЕША
ХАЛҚИМИЗ
ОМОН БЎЛСИН!

8-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 13 апрель, шанба, №41 (3387).

“ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” АКЦИЯСИ – ҲОКИМ НАЗОРАТИДА

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди вилоят марказидаги жамоат транспорти фаолиятини яна бир бор қузатди. “Фаол ҳордиқ” истироҳат боғида олиб борилаётган ишларни назорат қилган минтақа раҳбари “Янги шаҳар”дан “Бекзат” кичик туманига қадар бўлган ҳудудни кўздан кечириб, пудратчи ташкилотлар раҳбарларига ишларни сифатли ва ўз вақтида яқунлаш юзасидан кўрсатмалар берди.



У “Prime Residence” уй-жой мажмуаси қурилиши билан ҳам танишди. Бу уйлар замонавий услубда қурилади. Аҳоли учун қўлай шароитлар яратилади.

Вилоят ҳокими “Тоza Қозоғистон” акцияси доирасида амалга оширилаётган

ободонлаштириш ва тозалаш тадбирлари билан танишди. Шаҳарни ободонлаштириш, инфратузилмани янгилаш, янги иншоотлар қўшиш борасидаги ишлар юзасидан фикр алмашди. Туркистон шаҳрида олиб борилаётган қурилиш

ишларини назорат қилиб, мутасадди бошқарма раҳбарлари ва шаҳар ҳоқими-га тегишли топшириқлар берди.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.



ОБОДЛИК ВА ТОЗАЛИК – ҲАЁТНИНГ КЎРКИ



Туркистон вилоят “Ёшлар имконият маркази” “Тоza Қозоғистон” республика экологик акцияси доирасида “Туркийлар боғи” истироҳат боғида “Тоza ўлка” шанбалиги уюштирди. Бу хайрли ташаббусда вилоятимиз ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Акциядан кўзланган мақсад – “Адолатпарвар инсон – Ҳалол меҳнат – Муносиб даромад” концепцияси асосида экологик маданиятни шакллантириш, ватанпарварлик, табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга меҳр-оқибат каби қадриятларни улғулашдан иборат. Атроф-муҳитни тозалигини сақлаш, экологик тозалани таъминлашга қаратилган тадбирларда иштирок этиш,

она юртга муҳаббат туйғуларини шакллантириш масалалари ҳам марказ эътиборида.

Шунингдек, туман ва шаҳар кўчаларини тозалигини таъминлаш, экологик маданиятни шакллантириш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш режалаштирилган.

Акцияда 100 нафарга яқин фаол ёшлар, олий таълим муас-

сасалари ва олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

Бугунги кунда жамиятимизда экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фаоллик кўрсатаётган меҳр-оқибатли ёшлар кўп. Улар муҳим ушбу акция доирасида турли ташаббусларни амалга ошириш тараддудида.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

● Обуна–2024

Қадрли газетхон!
“Жанубий Қозоғистон” рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетамга обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг

ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улғулаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲҲ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ СЕССИЯСИДА



Туркистон шаҳрида саккизинчи чақириқ вилоят маслаҳатининг навбатдаги тўққизинчи сессияси ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокими Д. Сатибалди, ҳокимлик аъзолари, шаҳар, туман маслаҳатлари раислари, вилоят сайлов комиссияси ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Сессия ишига вилоят масла-

ҳати раиси Н. Абишов раислик қилди. Унда жами 18та масала кўрилди. Давлат хариди, дин ишлари бошқармалари, маслаҳат ҳамда доимий комиссиялар раисларининг ҳисоботлари тингланди. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Сессияда вилоят сайлов комиссияси раиси А. Усербоев бўш ўринларга янги сайланган депутатларни таништирди.

Сессияда вилоят раҳбари Д. Сатибалди сув тошқинидан зарар кўрган шимолий минтақаларга вилоятимиздан ёрдам ташкил этиш масалаларига тўхталиб, бу борада барча ташкилий ишларни мувофиқлаштиришни ўринбосари Б. Тажибаевга топширди. Вилоят ҳокими маслаҳат депутатлари фаолиятига омад тилади.

Р. МАДАЛИЕВ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР



Туркистон шаҳрида ҚР Президенти қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг ташаббуси билан «Қозоғистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг миллий ва халқаро тамойиллари» мавзусида семинар-тренинг ўтди. Тадбирга ЕХХТнинг Астанадаги Дастурлар идораси ва Туркистон вилоти ҳокимлиги шафелик қилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев семинарни очиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бosh мақсад эканлигини алоҳида таъкидлади.

ҚР Президенти қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия раисининг ўринбосари Тастемир Абишев, ЕХХТнинг Астанадаги Дастурлар идорасининг инсон салоҳияти

масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Сара Дамико ва бошқалар маъруза қилди.

Семинарда юртимиздаги инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг миллий ва халқаро тизими муҳокама қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасаларнинг суд ва ҳуқуқ-тарғибот идоралари ҳамда бошқа идоралар билан, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро иш-ҳаракат режаси кўриб чиқилди.

Хусусан, 11 апрель куни Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ЕХХТнинг Астанадаги Дастурлар идорасининг раҳбари, элчи, Фолькер Фробартнинг иштирокида Ўтрор туманида инсон ҳуқуқлари бўйича навбатдаги семинар-тренингни ўтказди.

УЙИ БОРНИНГ БАХТИ БУТУН

Кўп қаватли ижара уйларини барпо этиш ва харид қилиш масалалари муҳокама қилинди

Вилоятимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили 900 минг квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилиб, 3 мингга яқин оила бошпанали бўлди. Шунингдек, 55та уй-жой биноси ҳам тубдан таъмирланди. Бу масалани вилоят ҳокими Дархан Сатибалди қатъий назоратга олган.

Вилоят ҳокимининг навбатдаги девон мажлисида ижарага бериладиган уй-жой қурилиши муҳокама қилинди. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди. Вилоят раҳбари уй-жой қурилишида қатъий интизом ва тизим бўлиши зарурлигини таъкидлади.

– Уй-жой соҳаси аҳолимиз учун долзарб масала эканлигини биласизлар. Шу сабабли



ушбу йўналишдаги ишларни масъулият билан бажариш керак. Биноларни барпо этиш жараёнида ҳар бир туман, шаҳар аҳолиси ва ер хусусиятлари инобатга олиниши керак. Кўп қаватли уйларни бир худудда қуриш керак. Уйларнинг меъморий қиёфаси ҳам бир хил бўлиши керак, – деди Дархан Сатибалди.

Бугунги кунга қадар республикада 650 мингга яқин киши, Туркистон вилотида 60 мингдан зиёд киши уй-жой навбатда турибди. Вилоят қурилиш бошқармаси раҳбари Тўхтар Усубалиевнинг сўзларига кўра, мамлакатимизда ижарага бериладиган уйларни харид қилиш дастаги ишлаб чиқилиб, тегишли режалар белгиланган.

»»» Дўст – кулфатда билинар

ТАБИЙ ОФАТДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Юртимизнинг сув тошқинидан зарар кўрган минтақалари аҳолисига Туркистон вилотида инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш давом этмоқда.

Бунга қадар вилоят «Ёшлар имконият маркази»да штаб ташкил этилиб, ёрдами қабул

қилиш пункти очилган эди. Даставвал, минтақа ёшларидан иборат кўнгиллар гуруҳи ёрдамга отланиши.

Эзгу ишга Туркистон вилоти 17та туман, шаҳарлари ҳисса қўшишмоқда. Тулкибош туманининг аҳолиси ҳамжihatлик кўрсатиб, шимолдаги

ҳамюртларимизни синовли даврда қўллаб-қувватлаш мақсадида 27 тоннадан зиёд инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

Ҳозир пунктда озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, жиҳозлар, дори-дармонлар мавжуд.

»»» Мурोजаат



ОБОД ЮРТНИНГ ЭЛИ ХУРРАМДИР

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг топшириғига биноан мамлакатимизда «Тоza Қозоғистон» экологик акцияси бошланди. 5 ҳафта давом этадиган ушбу тадбирнинг биринчи ҳафтаси «Тоza ўлка» деб номланади. Бу ташаббусни Туркистон вилоти табиат жонқуярлари қувонч билан қабул қилиб, ишга фаол киришиб кетди.

Вилоят раҳбари Дархан Сатибалди «Фаол ҳордиқ» истироҳат боғига кўчат ўтказиб, барчани «Тоza Қозоғистон» тадбирини қўллаб-қувватлашга чақирди. Вилоят раҳбари экологик тадбирда иштирок этган ёшлар билан мулоқотда бўлди. Ватанпарварликнинг тозаликдан бошланиши, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидлади.

– Бугун биз жамият учун муҳим экологик тадбирда учрашдик. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелулиннинг ташаббуси билан юртимизда «Тоza Қозоғистон» экологик акцияси бошланди. Ушбу ташаббусни

вилотиимиздаги табиат жонқуярлари зўр қувонч билан қарши олишди. Вилотиимизда «Тоza ўлка – Туркистон» тадбирини бошлаб юбордик. Шу муносабат билан ўтган ҳафтадан буён туман ва шаҳарларни тозалаш, ободонлаштириш ишлари бошланди. Бу – бир ойлик мавсум эмас. Мақсадимиз – тозаликка риоя қилиш, дарахт, гул экишни ҳаёт тарзига айлантиришдир. Ушбу соҳага масъул идоралар, туман, шаҳар ҳокимлари ва коммунал муассасаларга аниқ кўрсатмалар берилди. Махсус техника ва маблағ ажратилди. Биз «Тоza Қозоғистон» акцияси доирасида Туркистонимизни янада обод қилайлик! Бунга имкониятларимиз етади, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди. Республика акциясининг мақсади – фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш, аҳоли ва ёшларда табиатга меҳр уйғотишдир.

«Табиат – мамлакат бойлиги» деганда, биз табиатга, жумладан, давлат тараққиёти мақсадларига ҳурматни кўз-

да тутамиз. Атроф-муҳитга ғамхўрлик инсонда ватанпарварлик ҳиссини уйғотади. Шундай экан, кўчаларимиз, қишлоқларимиз, шаҳарларимизни тоза, ариқларимиз, булоқларимизни тиниқ қилиш керак! Биз ушбу йўналишда фаол ҳамкорлик қиламиз, албатта. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, 2021- 2025 йилларда вилотидаги 800дан зиёд қишлоқни ободонлаштириш учун 4 миллиондан зиёд кўчат экиш режалаштирилган. Ҳозир ишлар авжида. Бу йилнинг узида 1 миллиондан зиёд кўчат экилмоқда. Тоғлар ҳам, ўрмонлар ҳам, дарё-кўллар, бепоён даштлар, қишлоқ ва шаҳарлар ҳам бизники! Ушбу бойлигимизнинг қадрига етайлик! Кўчасидаги тозалигига қараб, одамни тасаввур қилиш мумкин.

Мен вилотиимизнинг барча аҳолисини ушбу ҳаракатни қўллаб-қувватлашга чақирман! Бирлик ва меҳнат орқали Туркистонимизни яшил ва обод минтақага айлантирайлик, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

»»» «Тоza Қозоғистон» акцияси

МАҚТААРАЛ, ҚАЗИҒУРТ, КЕЛЕСНИНГ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРДИ

Мамлакатимиз бўйлаб қўлоч ёйган «Тоza Қозоғистон» акцияси барча минтақаларда қизгин давом этмоқда. Унинг биринчи ҳафтасида Мирзакент кентиде оммавий гул экиш тадбири бошланди. Бу ишлар «Мирзакент қызмет» давлат коммунал корхонаси зиммасига юкланди.



Қазигурт туманида ҳам тадбир юксак даражада ташкил этилиб, 18633 туп турли кўчатлар ўтказилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ҳовлиларида шанбаликлар уюштирилиб, тозалик ва баҳорги ишлар амалга оширилмоқда.

«Тоza Қозоғистон» экологик акциясида нафақат аҳоли, балки ёшлар, давлат хизматчилари ва кўнгилчилар фаол иштирок этишмоқда.

Келесда давлат хизматчилари ҳар кунги иш кунининг бир соатини тозалик, кўчат ўтказиш каби атроф-муҳитни ободонлаштиришга бағишламоқда.

«ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ НАМОЙИШИ – 2024» АКЦИЯСИ БОШЛАНДИ



Оммавий умумхалқ тадбири доирасида Ўтрор тумани Кўксарой аҳоли манзилида «Истироҳат боғлари намоийши – 2024» акциясининг тантанали очилиш маросими ўтди.

Унда мактаб ўқувчилари ва устозлар иштирок этиб, мактаб худудига 40 туп туя, 15 туп чинор, 15 туп шумтол кўчатлари ўтказилди. Ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тадбир «Сирдарё–Туркистон давлат минтақавий табиий боғи» коммунал давлат муассасаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда мутасадди раҳбарлар Айгерим Тажиева ва Нурилла Тўре сўзга чиқиб, ўқувчиларга ўтаётган акциянинг мазмун-моҳиятини таъкидлаб ўтишди.

Ўқувчилар эса мавзулар бўйича 4та жамоага бўлиниб, ўзаро беппашишди. Мусобақа сўнггида барча иштирокчилар махсус диплом ва совғалар билан тақдирланди.

АРИС ВА БАЙДИБЕК ҲАМ ФАОЛ

«Тоza Қозоғистон» республика акцияси доирасида Арис шаҳридаги марказий майдонлар ва истироҳат боғлари, ҳордиқ масканларини ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ал-Форобий майдонига экилган гуллар кўзни қувонтиради.



Яқин кунларда шаҳарнинг бошқа истироҳат боғлари ва хиёбонларида ҳам гул кўчатлари ўтказилди.

Байдибек тумани ҳам республика акциясида фаол иштирок этиб, ҳафталик доирасида туман марказидаги боғлар ва хиёбонларга кўчат ва гулзорларга гул кўчатларини ўтказмоқда.

САЙРАМ ВА ЎТРОР ҲАМ ГУЛГА БУРКАНДИ

«Тоza ўлка» ҳафталиги доирасида Туркистон вилотиининг барча аҳоли манзилларида санитария ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Сайрам туманидаги кўчалар ҳам чиқиндилардан тозаланиб, истироҳат боғлари ва хиёбонлардаги дарахтлар оқланди.

Ўтрорликлар ҳам республика акциясига ҳисса қўшиб, «Тоza ўлка» ҳафталиги доирасида туман марказидаги кўчаларни тозалашди. «Жибек Жўли» йўли бегона ўтлардан тозаланиб, ободонлаштириш ишлари юритилди.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ



Тўлебейлик Улуғ Ватан уруши фахрийси Абдуали Алмуханов билан Буюк Ғалабанинг 70 йиллиги арафасида мулоқотда бўлган эдик. Оилада 11 жон бўлганлиги учун очарчилик йиллари бу хонадонга оғир таъсир қилганини айтган эди.

15 ёшли Абдуали катталардан қолишмай меҳнат қилади. Икки укаси очликдан вафот этгач, отаси оиласини олиб тоққа чиқиб кетади ва натижада, оила аъзоларининг ҳаёти сақлаб қолинади.

1940 йилгача Шимкент қишлоқ хўжалик техникуми ва Туркистон педагогика билим юртини тамомлайди. Шаулдир қишлоғидаги мактабда физика-математика ўқитувчиси булиб ишлай бошлайди. Кўп ўтмай, уруш бошланади. Абдуали ўзига берилган брондан бош тортиб, фронтга отланади.

ЖАНГЧИ ДАФТАРИДАН

“Кўп ўтмай, Сталинград жангида алоқачи сифатида иштирок этиб, илк бор урушнинг даҳшатини ҳис қилдим. Чанг-тўзон, тутун ва ёнаётган уйлари ўрмонлардан қуёш ҳам, осмон ҳам кўринмай қолган эди. Уйқусиз тунлар бошланди. Бир куни кўмондонлик ва артиллерия ўртасидаги алоқа узилиб қолди. Уқ ёмғири остида алоқани тикладим. Бу ишимни кўмондонлик жасорат сифатида баҳолаб, “За отвагу” медалига тавсия қилди.

Кейин Украина, Шарқий Европа давлатларини озод қилишда иштирок этиб, жангларнинг бирида яраландим. Госпиталга боришдан бош тортидим. Яраларни медресада табиб кўйишгач, яна батальонга қайтдим. Уқитувчи бўлганлигим учун кўмондонлик ташвиқотчи ва деворий газета муҳаррири вазифасини ҳам менга топширди. Мен тайёрлаган деворий газета ва варақалар ҳозир ҳам Қаҳрамон шаҳарлар музейларида сақланмоқда”, деб ёзган эди фахрий эсдаликларида.

Шунингдек, у ён дафтариди ўзи иштирок этган “Цитадель” оперцияси, Сталинград остонасидаги жанглар ҳақида ҳам батафсил маълумот берган. “Тарих саҳифаларида Сталинградда 1942-1943 йиллари икки миллиондан зиёд жангчиларимиз ҳалок бўлгани ёзилган. Лекин биз, Сталинград остонасида жанг қилганлар, оқ рақамнинг анча камайтириб кўрсатилганини биламиз. Бу даврда Гитлер бутун Германия саноатини уруш учун қуроласлаха, танк, артиллерия ва самолётлар ишлаб



чиқаришга йўналтириб, фашистлар армиясини тиш-тирноғига қуроллантирган эди.

Гитлернинг ягона мақсади – Совет Иттифоқини босиб олиб, у ердаги битмас-туганмас бойликларни ўзлаштириш ва жаҳонга ҳукмронлик қилиш эди.

Ана шу давларда Гитлер ва Сталин ўртасида урушмаслик тўғрисида битим ҳам бор эди. Уруш ниҳоятда тез якун топиб, узоғи билан 1941 йилнинг кузигача Гитлернинг ғалабаси билан яқунлиниши кўзланган ва “Барбаросс” махфий режаси асосида амалга оширилиши керак эди.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш – жуда масъулиятли ва шарафли касб. Тенгдошларимнинг қиргин-барот жангларда кўп

маротаба душман билан юзма-юз келганию, ҳар бир қарич ерни озод қилиш учун жангларда қон кечганини унутиб бўладими? Украина озод этилгач, уруш Белоруссия заминиди давом этди. Кейин Польша, Югославия, Болгария, Австрияни фашистлардан тозалашда фаол иштирок этдим. Шу йиллар давомида етти бор оғир яраланган бўлсам-да, ҳар гал госпиталда даволаниб, яна сафга қайтардим.

1945 йил 9 майда фашизм устидан расман ғалаба қозонилгандан сўнг, Япон урушида иштирок этдим. Мамлакатимизнинг шарқий сарҳадларини мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий хизматни 1950 йил кузгача давом эттириб, эсон-омон юртимга қайтдим. Урушга 10 йил тайёргарлик кўриб, тиш-тирноғига қуролланган душманни ёнгиди. Бу осон бўлмади. Миллионлаб қурбонлар эвазига келган ғалаба ва юртимиз Мустақиллигини кўз қорачиқдай асрашимиз керак. Жаҳонда тинчлик доим барқарор бўлсин”, дея яқунланади жангчининг дафтари.

Урушдан қайтгач, эртасига фахрийни Шимкент шаҳрига, партия кўмитасига таклиф қилиб, туман партия кўмитасига ишга қабул қилишади. Бир йил ўтгач, у Сталин номи ўрта мактабга директорлик лавозимига тайинланади. Кўп йиллар 1 Мамир болалар уйида ва мактабда директор бўлиб ишлайди. Унинг ташаббуси билан шу йилларда аълочи ўқувчилар Москва, Прибалтика давлатларида саёҳатга боришган. Икки марта республика ўқитувчилар қурултойига делегат этиб сайланган.

С. МИРЗО.



ҚАҲРАМОНЛАР РЎЙХАТИДА УЛАР ЙЎҚ



Ирисали Ғозибоев 1942 йил бошида мотуқчилар полкига автоматчи сифатида йўлланди. “Ёш аскарлар курси”ни тамомлагач, кичик командирлар мактабига йўлланма олди.

Ёрғоллик қишлоғида мактабни тамомлаган Ирисали нафақат оиласи, балки Ғозибоевлар сулоласининг фахри эди. Кичик командирлар мактабини муваффақиятли тамомлади. Полкка қайтиб келгач, мерганлар мактабига ёзилди. 1942 йил август ойида Ленинград фронтининг 260-отқилар полкига мерган сифатида қабул қилинади.

Фронтда вазият оғир эди. Бир йил аввал немислар шаҳарни қамал қилган эди. Сержант Ғозибоев хизмат қилган полкка Ладога кўлини душмандан ҳимоя қилиш вазифаси топширилган эди.

Биринчи кунлардан оқ кайфияти тушиб кетди. Илгари ов милтиги билан ҳайвонларга ўқ узган бўлса, энди урушда тирик одамларга қарата ўқ узшга тўғри келарди. Лекин, немис аскарлари тинч аҳолини қираётганини ўз кўзи билан кўргач, “буларнинг ҳайвондан нима фарқи бор?”, деб ўйлаган эди ўшанда.

Биринчи кунийқ Ирисалининг шахсий журналига “1+1” деб ёзилди, командирларидан мақтов эшитди. Сўнг ҳар куни “ов”га чиқадиган бўлди. Кўп ўтмай, унинг номи омадли мерган сифатида полкка танилди. Ҳарбий газеталарда у ҳақда мақолалар чоп этила бошланди. Бир мақолада уни ёқут деб ёзишганида, бир неча кунгача қовоғидан қор ёғиб юрди.

Икки ой ўтгач, у ҳақда хабар немисларга ҳам етиб боради. “Қандай бўлмасин, ёқут мерганни йўқ қилинлар”, деб буйруқ берилди немис аскарларига. Буйруқни бажариш мақсадида, душман томонида эни 4-5 метрли паст темир девор ўрнатилди. Урнатиш жараёнига унинг ўзи гувоҳ бўлади ва командирларига бу ҳақда айтади.

– Сен диққат билан кузат. Агар тунда у ерда

ҳеч ким бўлмаса, мина ўрнатиб қайт, – деб маслаҳат беради рота командирини.

У командирини айтгандай қилиб, “темир қалқон” остига мина ўрнатиб, оқ қозғарчи билан белгилаб қайтади.

Эрталаб, душманнинг келишини кутади. Мина ўрнатилган жойга тўрт немис аскари жойлашади. Ирисали оқ қозғарчи нишонга олиб, тепкини босади ва душманнинг тўрт мергани бир зумда ҳалок бўлади.

Ярим йилдан сўнг у ёш мерганларга йўриқчи этиб тайинланади. “Ов”га энди у шогирдлари билан чиқади. “Душманни улар кутмаган ҳаракатлар билан саросимага солинлар. Албатта, уларнинг ўрнига ўзингларни қўйиб кўринлар. Керак бўлса, уларнинг ҳаракатидан ҳам сабоқ олинлар”, дерди у шогирдларига.

1977 йили Ирисали Ғозибоев ҳақида “Костёр” бутуниттифоқ адабий-бадий журналига мақола тайёрлаш жараёнида учрашганимда, “уруш ҳақида ҳикоя қилиш осону, у ерда бошимиздан кечган қийинчиликларни етказишга сўз ожиз”, деган эди. Душманни кўп ҳолларда муздай сув тўла хандақларда кутиб ўтиргани, оёқлари музлаб, юрولмай қолгани, ўнлаб хизматдошларидан айрилган кунлар бўлганини, ўзининг бир неча бор яраланиб, госпиталда даволанганини эсларди.

200 нафардан зиёд аскарга мерганлик сирларини ўргатади. Командирлари уни орден ва медалларга тавсия қилишади. Оғир яралангач, уни уйга қайтаришади. Бир ҳафта этиб даволанади ва жамоа хўжалигига ишга чиқади.

1978 йили у ҳақдаги Москвадаги журналда чоп этилган мақолани СССР Мудофаа вазирлигига йўллади. “Ҳисобида 125 душман аскари бўлса, “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди, бизнинг қаҳрамонимизнинг ҳисоби 150дан ош-

ганку, нега олий унвон берилмади?”, деб савол йўллаган эдим ўшанда. Ирисали отани ҳарбий комиссариатга шу масалада чақирди. “Эсон-омон қайтиб келдим, энди унвонга тортишмайман”, деб жавоб беради у комиссариат вакилларига.

Улуғ Ватан урушида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони 87 нафар мерганга берилган. Ирисали Ғозибоев 88-бўлиши керак эди. Мерганлик ҳисоби 200 нафарга етган яна бир мерган, Қазигурт тумани, Турбат қишлоғида туғилиб, Ленгер тумани, Ёрғоллик қишлоғидан ҳарбий хизматга кетган Бўронбой Муллабобо ўғли ҳам ушбу рўйхатга кириши керак эди. У 41 ёшида кўнгиллилар сафиди урушга отланади. Москва остонасидаги жангларда иштирок этади. Кўрсатган жасорати учун “Москва мудофааси учун” медали билан мукофотланади. Орадан кўп ўтмай, Севастополдаги жангларда қаҳрамонлик кўрсатади ва бу ҳақда фронт газетасида мақола ёзилади. Гвардиячи полк аскарининг кўксига бу сафар ҳам орден тақилади. Венгрияни фашист босқинчиларидан озод этишда қатнашгани учун яна медал билан тақдирланади.

Отахоннинг урушдан кейинги йилларда туман газетасида босилган эсдаликларига эътиборини қаратамиз.

“Фашистларнинг мақсади – СССРни босиб олиш, бойлигини талаш, миллионлаб кишиларни қириш ва қолганларини қул қилиш эди. Германиянинг СССРга қарши олиб борган уруши босқинчилик, адолатсиз уруш эди. Германия билан ҳамкорликда унинг иттифоқчилари – Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия ҳам СССРга қарши урушга кирдилар.

Совет ҳукумати 22 июнь куни Иккинчи Жаҳон урушнинг бошланиши муносабати билан мамла-



кат халқига радио орқали мурожаат эълон қилди. Бу мурожаат халқни ғалабага эришиш учун мустаҳкам жипслашишга, уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишга чақирди. “Бизнинг ишимиз – ҳақ иш! Душман тор-мор келтирилажак! Биз ғалаба қиламиз!” – дейилган эди Мурожаатда.

Халқимизнинг бошига оғир синовлар тушди. Урушнинг бошланганлиги тўғрисидаги шум хабар етиб келган кунийқ қорхона ва муассасаларда митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар Ватанимизни ҳимоя қилиш, юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун урушга боришга, фронт ортида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар ва фронтга отландилар.

Урушнинг биринчи ойидеёқ ҳарбий комиссарликка мингдан зиёд ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ёшлар ўзларини фронтга жўнатишни сўраб, ариза беришди ва кўлига қурол олиб, фронтга жўнаб кетишди.

Халқимизнинг инсонийлик, олижаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг Ғарбдан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган очиққўнгиллиги, ҳамдардлиги ва ғамхўрлигида ўз ифодасини топди.

Вилоятимиз урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган кишиларни, шу жумладан, етим болаларни ўз бағрига олди. Уларни қабул қилиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларини меҳнат жамоаларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг қулоч ёзди. Бу вақтга келиб минглаб ҳамюртларимиз ярадор бўлиб, бири қўлидан, бири оёғидан айрилиб, юртига қайтишарди. Улар, яъни ярадорлар бошидан ўтказган қийноқларни сўз билан ифодалаш оғир”.

Бўронбой Муллабобо ўғлининг жанговар йўли Тўлебей тумани фахрийлари ҳақидаги “Тўлебейлик фахрийлар” китобида, вилоят фахрийлари ҳақидаги бир неча китобларда баён қилинган.

А. АБДУФАТТОҲ.



ҚОДИР ШОИРДАН ИБРАТ ОЛИНГ...

Саерон тумани таркибидаги қирқ қопқали Қорачиқ қишлоғидаги “Турон” мактабида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, директор сифатида самарали меҳнат қилган, унга яқин назм ва насрда китоблари чоп этилган фаол муаллим, қадрдон “Жанубий Қозоғистон” газетасини ҳам сўзида, ҳам амалда қўллаб-қувватлаб, 135 нусха обунасини ташкил этаётган ҳиммати фидойи Қодир Аҳмедовни барча ҳамюртларимизга ибрат этамиз. А. Навоий таваллуди арафасида таҳририят сая-ҳаракатлари билан Туркистон, Кентов шахарлари ҳамда Саерон ва Сўзоқ туманларида муштарийлар билан учрашувлар ўтказдик. А. Навоий мақбарасини Ҳиротга бориб зиёрат қилиб келган Мирзахон Адҳамов ҳам шу файзли давраларнинг қадрли меҳмони бўлди. Қуйида Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Қодир Аҳмедовнинг қаламига мансуб мақола ва шеърларини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

»» ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

“Хумсон” санаторийси кўшни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғининг хушманзара манзилида жойлашган, Тянь-шань тоғ тизмалари ғарбий ён бағри, Угом дарёсининг қирғоғи, мевали ва манзарали дарахтзорлар оралиги, денгиз сатҳидан 900 метр баландликда бўлиб, Тошкент шаҳридан 80 қақирим масофада жойлашган.



Муҳим жиҳати шундаки, шу тоғлиқларнинг нариги тарафи Туркистон вилоятининг Қазигурт тумани худуди ҳисобланади. Угом дарёсининг бошланғич қисми.

1972 йили Тошкентдаги Семашко номи илмий-тадқиқот институтининг олимлари ўтказган анжуманда “Хумсоннинг ҳавоси, иқлими, суви ва табиати беморларнинг асаб, юрак, қон айланиш тизими, нафас йўллари хасталиқларини даволаш хусусиятига эга” деган қарорга келишган. Олимлар

ЖАННАТНИНГ ЕР ЮЗИДАН ТОПГАН ЖОЙИНИ КЎРИНГ


дам олиш уйини санаторийга айлантириш таклифи билан чиқишган. Ҳукумат томонидан бу таклиф маъқуллангач, санаторий фаолиятига асос солинди. Мазкур

анжомлари, тренажер зали, очиқ ва ёпиқ турдаги ўйин майдонлари мавжуд. Дам олувчилар тоғ ён бағирларига ва Бўстонлиқ туманининг диққатга сазовор сўлим жойларига, Тошкент шаҳрига, Чорвоқ сув омбори ва унга туташ чанги бўйича халқаро мусобақаларга мўлжалланган тепаликка олиб чиқадиган осма йўлдан фойдаланишлари мумкин. Маданий ҳордиқ учун барча қўлайлиқлар мўжайё. Жумладан, кутубхона, ёзги ва қишки томошагоҳ, бильярд ва стол тенниси, дискотека майдони, чойхоналар, суратхона, фитобар, машиналар тураргоҳи мавжуд. Ҳафтада икки марта таниқли санъаткорлар, қизиқчилар, эстрада хонандаларининг концертлари ташкил этилади.

Даволанувчилар учун физиотерапия, лазеротерапия, озекрит, ток билан даволаш, сув муолажалари, тузли гор, бадан тарбия, массаж, фитотерапия ҳамда парҳез овқатланишининг замонавий усуллари малакали шифокорлар тавсия этишади. Масканининг асосий йўналиши турли асаб, юрак-қон айланиши, нафас йўллари ҳамда ҳаракат-таянч аъзолари хасталиқларини даволашга ихтисослашган.

Санаторийнинг асосий даволаш усулларининг ўзгачалиги – бу жойдаги ҳавонинг кислородга

етарли даражада тўйинганлигидир. Унинг даражаси Кисловодск курорти ҳавосига нисбатан 11 фоиз юқорилиги олимлар томонидан тасдиқланган. Санаторий ёнидан оқиб ўтувчи Угом дарёсининг суви гидрокарбонатли кальций, натрий минералларига бойдир. Дарё ёнида аэроионотерапия усуллари асосида дам олувчилар учун йўлақчалар ташкил этилган. Ҳордиқ чиқарувчилар учун машҳур Хумсон сиҳатгоҳининг 154 кишилиқ жамоаси сидқидилдан сифатли хизмат кўрсатишади.



Суратларда: “Хумсон” санаторийсида; санаторий яқинидаги Чорвоқ сув омборида.

ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ



ҳамда яна 15 кишига мўлжалланган ўзбекона сўри ҳам кексаларимиз хизматида. Камина ташаббуси билан яқинда бу ерда яна бир хайрли, маънавиятга молик иш амалга оширилиб, мўъжазгина кутубхона ҳам ташкил этилди. Кутубхонада 50дан зиёд бадиий адабиёт ҳамда она тилимиздаги қадрдон нашрлар

“Жанубий Қозоғистон” ва “Адабиёт ва санъат” газеталарининг йиллик таҳлавлари келтирилди. Турли ёшдаги китобхонлар ўзлари танлаган китобни ёздириб, уйга олиб кетиши ёки шу ерда мутулаа қилишлари мумкин.

Бу хайрли иш ўз навбатида ёшларнинг китоб ўқишга қизиқишини

ошириш ва матбуот нашрларининг обуначилари сонини кўпайтиришга хисса қўшади, деган умиддамиз.

Масжид ҳовлиси кўкаламзорлаштирилган. Чинор дарахти ниҳоллари ва турфа хил гуллари экилади. Муҳим хушбабар: фирма масжид ва қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш тараддудида. Қишлоқ аҳли “АУРА ҚОЗОҒИСТОН” фирмаси мутасаддиларига самимий миннатдорчилик билдириб, мустақкам саломатлик, келгуси ишлари ва режаларида омад ёр бўлишини тилайди.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси, шоир.

Суратда: мўъжазгина кутубхона.

БАҲОРГИ ЎЙЛАР

Табиат уйғониб, кўз ташлар хушнуд, Кўхна дунёнинг секинчи чексиз. Яратган эркаси бўлган одамзод, Кўнгилларининг хушлиғи сўзсиз. Баҳор – борлиқда янги туғилиш, Янгиланган ҳаво дардларга даво. Кексалар учун кўп фахрли иш: “Омонлиқ-сомонлиқ”да катта маъно. Етказганига шукр, дейишиб улар, Бир-бирларини кучиб, табриқлар. Тирикликдадир дебон ғанимат умр, Невара кўлидан ушлаб етаклар. Ёшлар-чи, ёшлар беун, бепарво, Умри ўтаётганидан ташвишлари йўқ. Улар учун байраму, шўх наво. Ҳаёт шундай ўтар, деб кўнгиллари тўқ. Умрнинг паст-баланди ҳали олдинда, Гузаронлиқ ҳаммиша баҳордек бўлмас. Йигитлик онларинг ўтиб бир пасда, Кексалик эшик қоқар, тўхтатиб бўлмас. Шундай экан, ота-она қадрига ет, Ташвишларим кўп, дея қаровсиз қўйма. Меҳрингни ҳаётлигида намойиш эт, Кўзларидан ёш оққизиб, пичоқсиз сўйма. Ҳеч кимни фаний дунёга боғлаб қўймаган, Ким олдин кетишин ҳеч ким билмайд. Бу фаний роҳатиға ҳеч ким тўймаган, Насибаси тугамай, ҳеч ким ўлмайд. Лекин қисқа умрда сенда одамдек яша, Ўзингни кўлга олиб, тартибга сол. Нафсингнинг етагиға кўп учавермай, Иймон-эътиқодга мудом содиқ қол.

ҚАНОАТ

Ҳаёт дарчасидан маънос боқаман, Адолат бор жойда ҳақиқат бўлар. Ҳақиқатсиз ўзимни ўтга ёқаман, Шунда балким, қаро еримиз тўлар. Ялтироқ замонда адолатни кўсмадим, Ҳақиқат ҳам шубҳасиз, биздан йироқда. Нафсининг хийласидан асло тўймадим, Чунки иймон-инсофдан бўлдим йироқда. Қаноат қилиш ҳам эрур улуг бир неъмат, Қаноат қорин тўйдирар, демаслар беҳиз. Кимга кулиб боқса, ким бу ажиб саодат, Бундай неъматлар кетмагай ҳеч қачон беиз.

БАҲОРИЙ ТИЛАКЛАР

Баҳор барчага илҳом беради аниқ, Ўю хаёл, чархланган фикрлар тиниқ. Янгиланиш ва яшарлиқ фасли чун, Борлиқ жонзотлар унга талпинар интиқ.

Оби найсон осмондан қуйиб берад, Сўнг қорлар бойчечак гуллари тегар. Шўх-шодон болалар тепадан туриб, Турналар карвонига суқланиб боқар.

Қалдириқнинг даҳшат ила гурқираши, Тошқин сойнинг шовқин солиб гувиллаши, Ўт-майсини янада баравж ўстирар, Қўй-қўзининг кўкни кўриб яйраши.

Деҳқон, чорвадорнинг ишлари тошиб, Дала-қирлар ошин омади ўзиб. Станок ёнида турган ишчилар, Янгидан қурсинлар, эскидан кечиб.

Юртимизнинг ҳар бўстони бўлсин чаман, Ғанимлар кўз тикмасин бизлар томон. Қудратимиз булутлар ошиб юксалиб, Халқимиз бахтига бор бўлсин шу Ватан!

Гулзор ва полазорга айлансин бу олам, Кўклардан кутмоқда, элимиз барака-кут. Шу нурафшон замонда мақсадга етиб, Оламда бахтиёр яшасин барча одам!

»» Турмушнинг муштрали

Ойнур. Бу доим кулиб турадиган, юзлари лўппи жувонни учратишингиз билан кайфиятнинг гузи кўтарилади. Уни маҳалламизнинг гули, қўши деб доим алқаб юрман. Келинлик назокати ҳам, латофати ҳам айнан ўша келинда мужассам десам, муболага бўлмас.

Бир куни машинада маҳалламизга бурилишимиз билан уйимизга келаётган қадрдон меҳмонларимга айнан ўша келинни мақтаб, таърифини келтираётган эдим. Тасодифни қарангки, бироз юриб, кўчамизга бурилганимиз билан сал наридан ўша келинчақ кўлида оғир сумкалари билан келаётган экан. Уйларига яқинлашиб қолган у худди менинг гапимни эшитиб тургандек, шоша-пиша кўлидаги оғир сумкаларини ерга қўйди-ю, машинада келаётган қўшниларига эгилиб таъзим бажо келтирди. Фарзандларимга ҳам чиройли ўрناق бўлди, хайрли бир одатнинг инсоний муносабатлардаги гўзал бир ифодаси бўлди.

Ойнур бироз йиллардан сўнг фарзандли бўлди. Феъли бироз тор, жиззакироқ, маҳалладошлари билан ҳеч йўқ кунора бир жанжаллашиб турадиган, бўлар-бўлмасга ўзининг мавқени, кўлидан иш келишини исботлашга уринадиган, кўп ҳолларда уринишлари муваффақият билан тугамайдиган турмуш ўртоғи билан синалган келинчақ руҳан унинг фитратига тан берган ва бу ҳолатга деярли аҳамият бермасди. Ўша йигитдан маҳалламизда ранжиганлар, ҳатто муштралиб ҳам унга тарбия бериб қўйганлар бўлишига қарамай, Ойнур ҳеч қачон умр йўлдошидан нолимаган, оила сирини кўчага чиқармаган.

...Бироз вақт бўлди, Ойнур кўринмай қолди. Ҳамма ўз ишлари билан банд. Риққ топиш ниятида ҳамма эрта кетиб, кун қорайгач, уйга кириб



ҲАР БИР СЎЗНИНГ ҲАҚҚИ БОР...

келади. Одамларнинг бир-бири билан иши йўқ. Ўтган кунни унинг қайнонасини кўриб қолдим. Рамазон ҳайити билан табриқлаб, Ойнурнинг аҳволи билан қизиқдим, “Маҳалламизни ажойиб саломи билан яшнатиб турадиган келиннингиз яхши юрибдими, кўринмай қолди”, деб сўрадим.

Кўшним чўкур хўрсинди-ю, менга тикилиб туриб, “Келиним курсин, боламга кун бермади. Ишга борса ҳам, келса ҳам, ҳаммадан рашк қилиб, оиласининг бахтига завол бўлди. Ажрашиб кетишди. Ўғлимни яна уйлантирдим. Афсус, келинимнинг касридан болам яхшигина ишидан айрилди”, дея нолиб кетди. Бир оғиз саволим билан бутун маҳалладошларига гўзал хулқи билан намуна бўлиб келаётган жувонга қора чапланди. Истар-истамас бунга сабабчи бўлиб қолганимдан афсусландим. Ҳайронман. Оиласи бузилган келинни мақтаганим учунми, қўшним менга ёвқараш қилиб, келинининг унинг назаридаги қусурларидан нолиб кетди. Қани энди бу аёлни тўхтата олсам. “Муқаддас Рамазон кунини ғийбат билан бошладинг, келини билан нима ишинг бор, сўрамай кет” дея, ўзимни қийин бошладим. Юришга чоғланган автобус мени қутқарди, ҳайдовчиға минг раҳмат.

Автобуса ўтириб олдим, хаёлим Ойнурда. Унинг чиройли инсоний муносабатларига кўп гувоҳ бўлганман. Унинг умр йўлдошининг жанжалкашлигидан ҳам хабарим бор. Майли, тақдир эмас экан, қайнонасининг бутун айбни келинига ағдариб, ўғлини бегуноҳ ва оппоқ кўрсатганига ҳайрон қолдим. Худди ёшларнинг ажрашиб кетишида, фақат келин айбдору, ўғли бенуқсондек, яна уни жабрланувчи тарзида унга гард юктир-

маётганлигини айтмайсизми? “Ўғлингизнинг қандай эканлиги кўпчилиқка маълум, унинг тили ва хатти-ҳаракатларидан дили оғриганлар кўп. Келинингизни фақат яхши жиҳатлари билан танийман”, дейишга жазм қилолмадим, Аллоҳ кечирсин. Шундай деганимда, қайнона Ойнурнинг яна ҳеч ким билмаган қусурларини фош этишда давом этиши аниқ эди. Ишонаман, она шундай ҳолатда, демак, унинг барча оила аъзолари ҳам шундай фикрда. Келин ёмон, у туфайли ҳам оила барбод бўлган. Тамом, хулоса шу.

Бир йигитнинг ажралгани ва ундан нима сабабдан ажрагани ҳақида сўралганида у билан йиллар мобайнида яшаган аёлни ғийбат қилишдан четланиб, айни дамда унинг учун бегонага айланган аёлни муҳокама қилишдан бош тортган ҳолда у ҳақда бирон бир ёмон мулоҳаза билдирмаган йигит ҳақида қатра ўқиганимда, шундай инсонларга эҳтиромим ошганди. Ажрашиб кетиб ҳам гўзал муносабатларни авлодларига намуна қилиб яшаш зарурлиғига ўзига хос ишора, даъват бу. Ойнурнинг қайнонаси нолишларидан ҳам ўзига хос ўғит, панд-насихат бор. Афсуски, ажрашганидан сўнг кўча-кўйда оиласидан нолиб, ҳаммани ёмонотлиққа чиқараётган аёллар ҳам ўз тақдирда юз бераётган ҳолатлари, дарз кетган инсоний муносабатлари ва лафзларига таҳрир кiritишлари лозимлиғига ишора бу. Эзгуликка даъват сифатида олган ўғитларимни, энди Ойнурдаги гўзал одоб намуналарини кўролмаслик ҳолатига дуч келиб, афсус-надоматларимни қозғата туширдим, холос.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Сайёра САМАНДАР – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент, “Шухрат” медали соҳибаси.
Муаллифнинг “Сизга айтолмаган сўзларим”, “Кўнглим”, “... Ва яна баҳор”, “Озодликдек бахт йўқдир”, “Фақат ишқ...” номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган.



“ЎҚИЛМАГАН КИТОБЛАР, КҮН КЎРМАГАН ОФТОБЛАР...”

Гулчеҳра Шаҳобиддиннинг шеърлари табиат тилида сирлашаётганга ўхшайди. Шоиранинг назмий талқинлари, ташбеҳлари, мушоҳадалари ниҳоятда самимий ва таъсирчан. Гулдек нафис қалбининг қаъридан уфуриб турган ажиб мардоналик унинг асарларига ўзгача руҳ, халқчиллик, фалсафийлик бахш этади. “Ўқилмаган китоблар” шеърини ўқиётиб, беихтиёр кўзингизда ёш қалқийди. Шоиранинг ўтли нидоси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди:



шеърлар қадим кентнинг сўзда чизилган харитасидек ёрқин таассурот қолдиради:

“Дизак” деган
кичик қалъадир,
Кимгадир у дашту
даладир,
Асил бойлик
дон-дун галладир,
Жиззахимни
яхши кўраман!

Оилапарвар, болапарвар донишманд халқимизнинг “кушнинг ҳам уяси бузилмасин”, деган доно ибораси бор. Мажозий

маънода кушнинг уяси – ватан, оила. Ногаҳонда уяси вайрон бўлган қуш каби, бузилган алампнок оилаларнинг гўдақлари ҳам аслида унсиз нола чекади. Фақат биз бу нолани ё эшитмаймиз, ёки эшитсак ҳам англамаймиз. “Уяси бузилган қуш” шеърини шоира шундай дейди:

Уяси қолган қушча, уяси бузилган қуш,
Бунда меҳр топмассан,

уравергин, кўкда тўш.

Эй тақдир туташ қуш,

энди сенга хайр-хўш,

Уяси бузилган қуш, ҳоли менга ўхшаш қуш,
Уяси бузилган қуш...

Шоира фарёд чекиб, кўкка тўш ураётган кушнинг изтиробиди инсоният фожиасини кўрапти. “Ярадор қуш”, “Уяси бузилган қуш”нинг мантикий давомидек янграйди:

У энди яримжон, ярадор,

Оламга боқади бемадор.

Умиди мажруҳмас қушчанинг,

Кўксига минг қарра алам бор!

Ўзи яримжон, бемадор бўлса-да, қушчанинг қалбидаги умидлари, яъни эртанги кунга ишончи сўнмаслиги муҳим. Уша умид унинг кўксини ёндиряпти.

“Ўқилмаган китоблар” тушингизга кирса, фақат хурсанд бўлинг. Бу тушнинг ниётлари эзгу, илинжлари покиза. У бизнинг мудрок дилимизни уйғотмоқчи, холос. Гулчеҳра Шаҳобиддин рангин ва тиниқ сўзлари қаърида жилваланиб турган кўнгли фалсафаси, шеърларининг халқона оҳанглари, жиззахона самимияти, мардонворлиги Сизнинг қалбингизга шундай шукухни, шундай бедорликни бахш этишидан умидворимиз.

Хулқар ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти,
филология фанлари доктори (DSc),
ҚХАнинг Ўзбекистондаги дўстлик элчиси.

Шаҳло НОРАЛИЕВА,
Жумабек Ташев номли университет Халқаро ҳамкорлик департаменти директори,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Буюк тамаддунни ёритган замин,
Не-не даҳоларни яратган замин,
Олам узра урфон таратган замин,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Бир азим дарёдан сув ичган бу эл,
Бошига не келса, бир кечган бу эл,
Ҳар мушкул туғунни бир ечган бу эл,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Ҳикмат уммонида зиё сочган дур,
Аҳмад Яссавийдан ёришган шуур,
Инсон озод бўлмай, миллат бўлса хур,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Навоий назмида юз очган дунё,
Абайнинг дилида сўз очган дунё,
Илм-у маърифатдан кўз очган дунё,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Маърифат чироғин ёққан жадидлар,
Зулмдан қонлари оққан жадидлар,
Чулпон, Фитрат,
Чўқай, Мағжан... шаҳидлар,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Элнинг дардин айтди ул Базар бахши,
Шоберди бахши-ю, Қаландар бахши,
Оқин-у бахшиси миллатнинг нақши,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Туроним! Куброси оҳ урган тупроқ,
Мангубердилари от сурган тупроқ,
Сирим ботирлари жон берган тупроқ,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Хива! Маъмур нури таралган макон,
Кўҳна минорлардан боқаётган шон,
Мангу озоҳликка чорлаган ошён,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Шерғозихон мадрасаси сочар нур,
Пирёввалий мақбараси сочар нур,
Баланд толе, мартабаси сочар нур,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Бешигида авлиёлар ётган юрт,
Боқирғоний ҳикматларин айтган юрт,
Бекет ота қадамлари етган юрт,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Бўғзим ичра жамол очган сўз элим,
Жоним ичра жоним менинг, ўз элим,
Жигарим, бовурим, қаро кўз элим,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Битта эл, битта дил, танти ва жўмард,
Инсон қадри учун майдон узра мард,
Шавкатли сарбон бу, бу – Қасим-Жўмарт,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Жалолиддин номус, орида Ватан,
Комилжон, Орликнинг ториди Ватан,
Эркин Самандарнинг зориди Ватан,
Сайёранинг жисми, борида Ватан,
Ўзбек-у қозоғим, қон-қардош элим!

Сайёра САМАНДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳибаси.

КўПЛАШИБ КўТАРГАН ЮК ЕНГИЛ

Ёнгин – тилсиз ёв. Аждоғларимиз дуоларида ўт, сув, тухмат балосидан сақла, деб ниёт қилишлари замирида кўп ҳикмат бор. Қўс-меғзлик қишлоғидаги хонадонларнинг бирини 27 март куни кучли ёмғир пайтида бир уйга яшин тушиб, ёнгин чиқди. Уй яшагача ярқисиб бўлиб қолди.

Вилоят “Улес” хайрия жамғармаси ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров аёнага кўра ижтимоий тармоқ орқали ҳамюртларимизга мурожаат қилиб, кўпчиликдан ёнгиндан жабр кўрган оилага кўмак сўради. Қисқа муддатда маҳалладошлар, ҳамқишлоқлар, Саврон тумани аҳолиси – кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, янги, олти хонали уйнинг қурилишини бошлаб юборди.

Қурилиш учун хонадон соҳиблари янги ер участкаси сотиб олишди. Доимий обуначиларимиз ака-ука марҳум Шокир, Зокир Олимовлар сулоласи, ёнгиндан жабрланган оилага кўрсатилётган ёрдам учун меҳнат фахрийси Собир Олимов, Зокир Олимовлар самимий миннатдорчилик билдиришди.

Чўрноқдаги тош заводи му-



тасаддиси Алмас Дастанов, тадбиркор Саид Қўрғонбоев ҳамда оғир вазнли самосвал юк автомобиллари бор ҳимматли йигитлар гайрат камарини боғлаб, ҳашарга келишди. Кўплашиб кўтарган юк енгил, деган нақл ушбу ҳашар қурилиши мисолида ўз аксини топди. Ҳамид Жумадуллаев номидаги кўча бўйида қури-

лаётган янги уйнинг ёнида туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, обунада фаол Қўрбоний Ирисбеков халқимизнинг ажиби аёнаси – ҳашар учун миннатдорчилик билдирди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратда: янги уй қурилиши ёнида.
Муаллиф тасвири.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙўЛИДА



Туркистон Олий тиббиёт коллежининг фельдшерлик бўлимини тамомлаган Улуғбек Аматажонов билими, ўзига хос тиббий муолажаси тўғрисида Туркистон минтақасида “Улуғбек дўхтир” номи билан танилган.

Раҳматли бобоси Аматажон ота Рўзмухаммедов ҳам тиббиёт билим юртини тамомлаган эса-да, кучли тиб-

биёт ходимларидан бири эди. “Амат дўхтир” номи ҳанузгача баралла янграши боиси ҳам шу. Улуғбек 2018 йили билим юртини тамомлагандан буён бугунги кунга қадар Қорачиқ қишлоқ амбулаториясига (ҳозир поликлиника) қарашли Қўмтийин фельдшерлик-амбулаториялик пунтига раҳбарлик қилиши баробарида Қариз қишлоғидаги “Азия” мажму-

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.
Суратда: Улуғбек Аматажонов ва унинг жамоаси.



КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Қорачиқ қишлоғи Туркистон минтақасида обунада пешқадам қишлоқлардан бири. Қишлоқ ҳокимлигидаги кутубхона ҳам турли даврий нашрлар қатори семимли “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига обуна бўлган.

Гарчи кутубхона мудираси Отажон Норметова жорий йил бошидан буён шу ерда

меҳнат қилаётган бўлса-да, семимли газетамизни кўп йиллардан буён семиб мутолаа қилишини айтди. Олий ўқув юртини тамомлагач, яқна суд ижросига кўмакчи бўлиб ишлаган синглимиз маънавият масканида турли маърифий тадбирлар ҳам ташкил этиб келмоқда.

С. ТУРСУНМЕТОВ.
Саврон тумани.

СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ



Шимкент шаҳридаги 104-сонли Е. Юсупов номли ўрта мактабда “Спорт – соғлик гарови” мавзuida ўтказилган тадбир ҳар бир ўқувчига ўзгача шукух бағишлади.



Жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан уюштирилган ушбу тадбирда ўқувчилар арқон тортиш, волейбол, футбол, шахмат, баскетбол, қувноқлар ва зукколар эстафетаси, пионербол каби спорт турлари бўйича куч синашди.

Ғолиблар кубок, фахрий ёрликлар, ташаккурномалар билан тақдирланди. Уларни мактаб директорининг ўринбосари У. Б. Хадиметова топширди. Спорт байрами ҳар бир ўқувчининг қалбида чуқур из қолдирди.

Тадбирни уюштирган жисмоний тарбия устозларига миннатдорчилик билдириб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Нилуфар МИРКАРИМОВА,
Е. Юсупов номли 104-сонли ўрта мактаб муаллимаси.

»» Мулоҳаза

НИКОҲ – ОЛИЙ НЕЪМАТ,
ОИЛА – МУҚАДДАС

Сўнгги йилларда оилавий низола, ажримлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди.

Даставвал, никоҳ ва оила тушунчасини, унинг мақсадини билиш ҳар бир ёш авлоддан тортиб кекса кишигача зарур. Чунки киши оилада ривожланади, камол топади. Оила, никоҳ, дағиларнинг ўртасида аҳиллик бўлсагина, мустаҳкам бўлади. Никоҳ ва оила тушунчасини муборак манбалар асосида кўриб чиқсак, ўринли бўлади. Аллоҳ таоло Отамиз Одам алайҳиссаломнинг чап томонидан олинган қовурғасидан Момо Ҳаввонини яратди. Аллоҳ таоло бу ҳақиқатни “Нисо” сурасининг 1-оятда “Эй одамлар, сизларни бир жон Одамдан яратган ва ундан жуфти Ҳаввонни яратган ва иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган. Роббингиздан кўрингиз”, деб марҳамат қилади.

Аллоҳ таоло ўз қудрати билан онамиз Момо Ҳаввонини ниҳоятда гузал, латофатли қилиб яратди. Одамнинг қалбига ишқ муҳаббат туйғуларини солган, уни уйғотди. Одам а.с. эса кўзини очиб, Момо Ҳаввонни кўрди ва унга ошқ бўлиб қолди.

“Кимсан? Кимникисан?”, деб сўради. “Аллоҳ мени сиз учун яратди”, деди Момо Ҳавво. “Ундай бўлса, олдимга келгин”, деди қувонч билан. Момо Ҳавво унга нозланиб: “Йўқ, ўзингиз келинг”, деди. Одам а.с. унга бўйсунди ва ўрнидан туриб, хузурига ошдики.

Сўнгра Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фаришталарга жаннатдаги “Тубо” дарахти остига йиғилиб, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг никоҳ тўйларини муносабатига дастурхонлар ёзиб, уларни жаннат ноз-неъматлари ила безатишни буюрди. Илоҳий топшириқлар бажарилиб, барча дастурхон атрофида жам бўлгач, Аллоҳ таоло ўз-ўзига ҳамду санолаб айтиб, фаришталар ва жаннат филмонларининг гувоҳлигида Момо Ҳаввонини Одам а.с.га жуфти ҳалол қилиб берди ва унга Момо Ҳаввонинг маҳри учун Аллоҳга ҳамд, тасбеҳ, таҳлил, шунингдек, Ҳабиби Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга ўн марта саволат айтишни буюрди. Шундан сўнг жаннат филмонлари ва фаришталар келин-куёв устидан дуру жаовҳарлар сочиб, Момо Ҳаввонини Одам Атога топширдилар.

Аллоҳ таоло тақдирда битилган ҳар бир нарсани амалга ошириш учун маълум вақт ва сабаб тайин қилган. Вақти-соати келиб, сабаб топилди дегунча, тақдирда битилган нарса, албатта, амалга ошади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, никоҳ бу кеча ёки уяқда пайдо бўлиб қолган бир ўрфодат эмас, балки, Аллоҳнинг инсонга берган олий неъматидир. Никоҳ ҳам, Оила ҳам, Маҳр ҳам Аллоҳ таоло томонидан Одам Атога ва Момо Ҳаввога берилган энг олий неъмат, мукофот, бойлик ва мерос эди. Шундан бошлаб, бу қадрият давом этиб келмоқда, биз ҳам уни асраб-авайлаб, эъзозлаб, масъулият билан иш юритмоғимиз даркор. Никоҳни ҳалол, зинони ҳаром қилган Аллоҳ таолога чексиз ҳамд бўлсин. “Никоҳ менинг суннатимдир”, деган Расулulloҳ с.а.в.га туганмас саволат ва салом бўлсин.

Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: “Агар банд оила курси, бас, динининг ярмини тўлдирибди. Қолган ярмини тўлдириш учун Аллоҳга тақво қилсин”. (Бойхаккий ривоят қилган).

“Никоҳ” – бу икки жинс (аёл ва эркак) вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ.

Никоҳ ва оила мустаҳкам бўлиши учун никоҳланувчиларнинг тарбияси улкан аҳамиятга эга. Балоғат ёшига етган ўғил

ва қиз фарзандларни ота ва она никоҳ ва оила туғрисидаги шариат қонунлари асосида тарбиялаб бориши керак. “Қуш уясида кўрганни қилади”, деганларидек, ўз уйда тарбия олган куёв ҳам оила қуришга тайёр бўлиб, унинг масъулиятларини ўз бўйнига ола биладиган даражада бўлишлари керак.

Ҳар бир она турмушга чиқаётган қизига насиҳат қилиши керак. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганнинг эсига солади.

Машхур ривоятга кўра, Ҳориснинг қизи Асмо келин бўлиб куёв уйига кетадиган кун онаси Умома томонидан шундай насиҳат берилган:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла.

Сен, қизим, туғилиб-ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб юрган ерингдан чиқиб ўзинг билмайдиган, нота-ниш бир уйга борасан. Шунга қадар ўзинг яхши билмаган инсон уйига, ўз уйинг бўладиган уйга борасан.

Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен эрингга бир уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Қизим! Сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол! Буларни ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил.

2. Эрингга итлоат қил, қилма деганини қилма.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хушбўйни сезсин.

5. Овқатни вақтини тайёрла. Овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма.

6. Уйку вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол!

7. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат!

8. Эрингнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл! Муҳофиза қилиб, яхши сақла.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма!

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил!

Қисқасини айтганда, бу ўн ўғит оила қурган ва ёки қурмоқчи бўлган ҳар бир аёлга кераклидир. Демак, ақлли бир онанинг тарбиясини олган қизга уйланиш керак.

“Онасини кўриб, қизини ол”, деб халқимиз бежиз айтмаган. Ҳар бир она қизига ўрнатган бўлиши керак. Шунинг учун ҳар бир оқила она қизини узатар экан ёки бўйи етган пайтида шунга ўхшаш нарсаларни ўрганиши керак.

Азиз онахонлар, қиз тарбияси жуда қийин масала, қиз болага фақат уй ишларини ўргатиб қолмай, унга диний, дунёвий илмларни ҳам ўргатиш зарур. Чунки у фарзанд тарбиялайди, сиз каби она бўлиб, бир оилани, бир авлод давомчиларини тарбиялайди.

Оилада ўғил бола тарбияси ҳам муҳим. Ота ўғлига хунар ўргатиши билан бирга диний-дунёвий илмларни ўргатиб бориши зарур. Уйланаётган йигитларга, аёлнинг еб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминланиши учун эркак масъул, бу эркакнинг зиммасида, оилани моддий жиҳатдан таъминлаш эркакнинг вазифаси эканлигини тушунтириши лозим. Ҳатто бирор сабаб билан аёл боласини эмизгани соҳламаса, эмизадиган энгага топиб, боласини улғайтириш ҳам эркакнинг бурчи, вазифаси.

Ислоҳ дини оилада мана шундай бир мувоzanатни қарор топтиради. Эр хотиннинг бир-бирига нисбатан вазифаларини белгилаб берган.

“Фарзандларингизга чиройли исм кўйинг, одобли қилиб, тарбиялангиз! Қуръонни Карим тарбияси, Расулulloҳ муҳаббатини билан ўстиринг!”, дейилади ҳадисларда.

Бир ҳикоя атай:

Олим Ибн Сино вояга етиб, уйланиш вақти-соати келибди. Ота-онаси кўп қизларни унга кўрсатишибди. Қизларнинг ҳеч бири Ибн Синога маъқул бўлмабди. Қўшни қишлоқда бир шаккок, тили заҳар, қайсар, бир қиз бор экан. Шуни эшитиб қолиб, у «Уйлансам, мен шунга уйланаман», дебди. Ота-онаси бўлса, болам уни тантқи, қўпол, кўрс қиз дейишди, сенга бўлмайди, деб айтдилар.

Майли эди-ю, лекин бас келолмайсан, сени қийнаб қўяди, дея сираем кўнишмади.

Ибн Сино “Менга худди шу-

нақаси керак”, деб оёғини тираб олибди. Ниҳоят, ноилоҳ қизини Ибн Синога никоҳлаб қўйишибди.

Орадан унчалик вақт ўтмай, қиз ҳамма кўрса ҳавас қилгудек одобли, ширин сўз уй бекасига айланибди. Эшитганлар қулогини ола биладиган даражада бўлишлари керак.

“Ибн Сино хотинини уриб-сўкиб, дўқ-пўписа билан эгиб олибди, Ибн Сино кўпол, дағали мулоийм, кеккайгани катмарин, заҳар тилини ширин тилга айлантирадиган дори ичириб, ўшандай ярамас, кўпол қизни яхши аёлга айлантириб олибди”, деган миш-мишлар тарқалибди. Қизнинг ота-оналари ҳам қизларининг бунчалик ўзгаришига Ибн Синонинг калтакларини “жодули китоби” сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлаб қиздан сўрашибди.

– Уриб, йўлга солдимми?

– Йўқ.

– Сўкиб йўлга солдимми?

– Йўқ.

– Дўқ-пўписа билан кўрқитиб йўлга солдимми?

– Йўқ.

– Бўлмаса, сени одамни ўзгарирадиган дори-дармон эзилган “Жодули китоби” билан йўлга солгандир.

– Йўқ, – деб жавоб берибди қиз.

– Ундай бўлса, нима билан сени бунчалик ёқимтой, хушфелли қилиб қўйдим?, – дейишибди.

Қиз шунда:

– Ширин тили ва яхши муомаласи билан, – деб жавоб берибди.

Машхур табибнинг энг яхши кўрган дори-дармони ширин тил-у хушмуомала экан.

Шуни айтиш керакики, “Яхши гапга илон инидан, ёмон гапга мусулмон динидан чиқади”, дейишган ота-боболаримиз. Шунинг учун оилада эр ҳам, хотин ҳам биринчи навбатда ширин тилли, муомалали бўлишлари керак.

Ҳозирги кунда арзимас сабаблар билан ажрашиб кетаётган оилалар кўп. Бунда ҳамма айбдорни қидиради. Лекин қарс икки қўлдан чиқади. Икки томон ҳам никоҳ ва оила муқаддас эканини, Худо томонидан берилган олий инъомлигини, уни бузиш катта гуноҳлигини билиши ва бу учун эртага қабрда ҳам, Қиёматда ҳам жавоб борлигини билишлари шарт.

Ажримларга энгил-елпи қарамаслик керак. Орада қанча фарзанд етим қолмоқда, уларнинг тақдирига ким жавоб беради?

“Кувёни Пайғамбарлар сийлаган”, деб қиз томон кувёни сийласа, келин олган томон – қайнота-қайнола ва куёв келини бировнинг фарзанди, болаларимизнинг онаси, авлодимиз давомчиси, деб қадрласа, оила бузилмайди, ажрашувлар йўқ бўлса керак.

Ёшларнинг ажралишлари-га сабаб кўпроқ ташқаридан бўлади. “Ажраш, сенга онаси ўпмаган қиз олиб бераман”, деб йигитнинг онаси айтиб турса, “Ажрашавер, 9 ой қорнимга сизнинг, уйимга ҳам сизга”, деб қизнинг онаси айтиб турса...

“Ажрашаётган битта сенми”, деб бошқалар айтса... Албатта, бундай гап-сўзлардан кейин ёшлар ҳеч нарсани ўйламай, ажрашиб кетавердилар. Юқоридagi сўзларни айтётган оналар ва бошқа кимсалар уйлансинлар, эртага Қиёматда бу сўзларнинг жавоби ниҳоятда оғир келади.

“Эрни эр қиладиган, қаро ер қиладиган ҳам хотин”. Буни оналар қизлари ва келинларига доим насиҳат қилишлари керак. Халқимиздаги доно мақол, ҳикматли сўзларни кўп такрорлаб, ёшларни тарбиялаш керак.

Сўзим сўнггида шуни айтмоқчиманки, азиз ота-оналар, турмуш қурган йигитлар, келинлар! Никоҳ – бу шунчаки ихтиёрий битим ёки жуфтлик эмас, бу-уйлоҳий жараён. У Аллоҳ томонидан берилган олий неъмат, оила эса муқаддас эканлигини унутманг. Никоҳни бузиш, оилани барбод этишдан аввал, ҳар томонлама чуқур таҳлил, мушоҳада керак. Негаки, бунинг жавобини бевосита Худонинг ўзига берамиз.

Аллоҳ таоло ҳаммамизга инсоф, сабр ва шукроналик ҳиссини берсин!

Зарифа РЎЗМЕТОВА,
нафақадаги устоз,
Шимкент шаҳри.

»» Буюк Даштнинг улў алломалари

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

Сийнаси оғриди, кўксидан унсиз, изтиробли нидо келди: «Ризо бўлинг, онаизор. Аллоҳнинг ҳукми экан, бизни бевақт тарк этдингиз. Тирикликда хизматингизни қилолмадик, иншоолло, тонгла маҳшарда фарзандлик бурчимизни адо этгаймиз. Илоё, сизни беҳишнинг тўридин топгайман. Меҳрибоним...»

Шайх ота хилхонаси томон кетди. Исфижоб шимолида, Қизилсувга етмасдан баланд тепалик бор. Бу ер кўҳна қабристон. Унда қиблагочи

Иброҳим шайх ибн Маҳмуд сокин бўлган эди. Қабр ёнида азамат оқ тут ўсиб турибди. Уч йўловчи тут остига бориб ўтирдилар. Шайх ният қилиб, «Таборақ» сурасини ўқиди. Тиловод давомида ён-атрофда яшовчилар бирин-бирин тепаликка кўтарилдилар. Шайхни таниб, ўн-ўн беш қадам берди тиз чўқдилар. Сунбула тонгининг таровати, жимжит қабристон сеҳри, Шайхнинг майин, одамни сел қиладиган ширали товуши... сомеъларнинг бошини эгиб, кўзларини юмишга мажбур этди.

Ҳазрат теварак атрофида жамоа жам бўлганини пайқаган эди. Шу боис қисқа дуо қилдида, юзига фотиҳа тортиб, илкис кўзгалди. Бош эгиб отасига видео айтди:

«Рози бўлинг, қиблагочи, ҳаётлигингизда қилган дуойи хайрингиз юрган йўлимизда йўлдош бўлгай. Тепанинг у тарафидан паства эндилар. Шайх дарё томон бурилди.

– Сув ёқалаб кетайлик. Бу сувларни яна қачон кўрамиз. Унинг кўксидан неча кундан бери ловиллаган соғинч ўти хануз босилмаган, сойдан эсаётган эпкин бу олов тафтини сўндириш ўрнига гўё баттар гуркиратарди. Ўртада Ҳазрат, Сулаймон Бобо Мочин икки ёнда, сой бўйидаги тор, тақир йўлдан аста-аста кетиб бораётгандилар. Сунбуланнинг суви тиниқ дейдилар. Сойда ложувард осмоннинг бир парчаси акс этади, сув юзасидаги оқ тераклар гўё ёнбошлаб ётгандек.

Шайх сой лабига яқин бориб тўхтади. Сувнинг босиқ шовқинига қулоқ тутди. Сокин, салобатли оқим уни болалигига қайтарди. Бир вақтлар мана шу сой бўйидаги камарлардан балиқ тутиб, мажнунтол ҳудудасига тизиб олишарди. Севинди-севиниб уйга олиб кетишарди. Эсида, бир куни ўрта бармоқдек кичкина балиқ-қуларни кўриб, отаси уалтирган эди. «Болам, вояга етмаганларини тутибсан, бу фариларни онаси излаб юргандир, бор, қайта сувга ташлаб кел!».

Ёш Аҳмад чавақларни олиб яна сув бўйига борди. Жони қирсин деб кўлмакка солди. Қараса, балиқчалар ўлиб қолган экан. У йўлга юборди. Шундан буён балиқ емай қўйди. Балиқ кўрса, мурдага қарагандай кўнгли сесканади.

Тоғ ортидан қуёш кўтарилди. Сув бетига яшин чаққандай бўлиб заррин чиқилар ўйнади. Оқар сувда қалқиб турган оқ тераклар сояси сарғимтир тусга кирди.

Йўлда одамлар кўринди. Улар сув бўйида қилт этмай турган оқ либосли, одми саллали уч кишига ортларидан салом бериб таъзим қилиб ўтдилар. Бобо Мочин билан Сулаймон гоҳо ўгирилиб алик олиб қўйишди. Шайх эса, дарёдан кўз узмайди. У теграсидаги борлиқни унутган, ўз таъбири билан айтганда, «дарду ҳолат пайдо қилган» эди. Бобо Мочин оқим бўйлаб тикилиб турарди. Бирдан «О-оҳ-ҳ!» деб сайха тортиб юборди. У бир нимадан қаттиқ мутаассир бўлганда ҳаяжонини ичга ютолмас, ҳатто мажлис чоғи, жамоат кўз ўнгиди ҳам хитобдан ўзини тиёлмас эди. Бундай қилиқ беадаблик саналарди.

Шайх бир неча бор дашном берди, устунга боғлаттирди. Бироқ Бобо Мочин тавбадан чарчамади, сайха урмоқни ҳам тарк этмади.

– Тавба қилдим, пирим... Хўв анавини қаранг. Ё мажнун, ё кофар!

Шайх бир неча бор дашном берди, устунга боғлаттирди. Бироқ Бобо Мочин тавбадан чарчамади, сайха урмоқни ҳам тарк этмади.

– Тавба қилдим, пирим... Хўв анавини қаранг. Ё мажнун, ё кофар!

Шайх бир неча бор дашном берди, устунга боғлаттирди. Бироқ Бобо Мочин тавбадан чарчамади, сайха урмоқни ҳам тарк этмади.

– Тавба қилдим, пирим... Хўв анавини қаранг. Ё мажнун, ё кофар!

Шайх бир неча бор дашном берди, устунга боғлаттирди. Бироқ Бобо Мочин тавбадан чарчамади, сайха урмоқни ҳам тарк этмади.

– Тавба қилдим, пирим... Хўв анавини қаранг. Ё мажнун, ё кофар!

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий
Роман

чўқкалаб ўтириб яна кунга хитоб қилди. Сўнг ирғиб турди. Кўёшга уч бора эгилиб салом берди...

– Юринлар! – деди Шайх ва йўл бошлади. Ёлғизоёқ йўлдан паства эндилар. Капа эгаси кўринмасди. Сой тошидан ясалган омонат ўчоқ устида қора қумгон қўнқайган.

Ҳаммаёқ тутун. Шох-шаббадан тикланган капа сиртидаги арқонга кичкина-кичкина тўрсаватлар илиб қўйилган. Учоқ олдида қора қумгон турибди. – Хўв, тирик жон борми бу ерда? – деб Бобо Мочин чор атрофга қараб қўйди. Капа ичидан товуш келди:

– Бизни борлаб қанган тийрик жонга тийрикман! Ичқаридан жун чакмон кийиб, белини чил-вир билан боғлаган келбатли йигит чиқди. У яланғош эди. Сочини ўсиб елкасига тушган, йирик-йирик кўзлари одамга ноҳуш боқарди. Йигит уламонамо уч саллалликка менсимгандек қараб қўйди. Сўнг бошини хиёл эгиб таъзим қилди. Бироқ қўлини кўксига қўймади.

– Нечук салом бермайсан, бетавфиқ? – деди Бобо Мочин қаҳрланиб.

– Масихиймисан?

– Йу-у, ўтпарастман.

Бобо Мочин, «Ана, айтмадимми, кофар!» дегандек Ҳазратга ялт этиб қаради. Яланғош йигитнинг тили қорлуқ шевасини эслатарди.

Шайх бегона йигитнинг патак сочига қулқун боқди:

– Элатингиз не? Қорлуқмисиз?

Йигит бош силкиди:

– Ҳайда, қорлуқман.

– Қорлуқлар аҳли суннат ҳисобланур. Улар мусулмонликни қабул қилган. Сиз нечук элдин ажраб юрибсиз?

– Мен ҳам бир пайтлар мусулмон бўлганман, – деди йигит зарда қилиб, – энди мусулмончиликдин чиқдим. Мундай ўйлаб қарасам, туркнинг сўзи тувриқан.

– Қайси сўзи? – деди ҳалитдан бери сукут сақлаб турган Сулаймон. Йигит унга юз бурди.

– Турк айтканакан, тангрим, Қуръондин айирсанг айирғил, бироқ тигирмандин айирма, деганакан.

Бобо Мочин пичинг қилди:

– Ҳой, мажусий, диндан чиққан бўлсанг чиқибсан, аммо одамгарчиликдан ҳам чиқдингми? Эшигингга келган меҳмонни тик қилиб қўй, деган гап қайси мазҳабда бор?

Йигит индамади. Чўрт бурилиб ичкари кирди. Бўйра олиб чиқиб капа олдига тўшади. Устига йирик-ямоқ кигиз ёзди.

– Ўтирсинлар, тақсирлар, – деди кигизга ишора қилиб. Меҳмонлар қора наматга чиқиб чордана қурдилар. Кофар йигит рўпарага, кўҳна теракининг тўнкасига чўнқайди. У бевақт ташриф буюрган кишиларга ажабланиб боқди. «Ким бўлди булар? Муптими? Қозими? Не иши бор? Не дерди, ё динга кир ё кўч, дейди-да».

Кофар йигит Бобо Мочинга ер остидан кўз ташлади. Ҳайиқди. «Манови ола кўзлиги ёмонга ўхшайди. Ўзиям олбостидай бесўнақайакан».

Шайх тикка савол берди:

– Хўш, биродар, сиз нечук тегирмонни Қуръондин устун қўйдигингиз? Нафсингизга қулмисиз?

Кофар совуқ қулмисиради:

– Ким напсиға қул эмас? Мулласими, қозисими, оқсоқолими? Ё, қорахитойими? Бари қул. Барининг томоғи тешиқ.

– Бундин чиқди, дунёда қурсоғингиздан бўлак ғамингиз йўқ экан-да? Еб-ичиш, ётиб-туриши...

– Мақсадингизни билдим. «Э, қорлик, сенга имон керак эмасми?» демоқчи бўласиз. Имон керак. Пайғамбар айткан экан, имонсиз киши яланғоч одамга ўхшайди деб. Не қилай, менинг имонимни сизнинг мусулмонларингиз ечиб олдилар.

Шайхга қорлуқнинг мажози ёқди. Лекин, «Сизнинг мусулмонларингиз» дегани ўйлантирди. «Танидимми? Қай дин танийди, энди келиши бу ерга».

– Демак, сиз халқи оламдин безиб, мана бундай оилват ерларда, тоғу тошда яшамакни азм қилдингиз, тўғрими?

ҚР Парламент Сенати депутати Алишер Сотволдиев ҚР Ҳукуматида «Тик Ток»даги «миллий қадриятларга зид» лавҳа ҳақида шикоят қилиш имкониятини яратишни таклиф қилди. Бугунги кунда 13-24 ёш оралиғидаги ёшларнинг 75 фоизи ушбу платформадан фойдаланиши, ундаги салбий йўналишдаги лавҳалар ўсмирлар ва болалар онгига ва ўсмирларнинг онгига салбий таъсир кўрсатилишини таъкидлади.

Агар шикоят қилиш имконияти бўлмаса, Қозғоғистонда ушбу ижтимоий тармоқ муҳосара қилиниши керак. Россия ва Ўзбекистон каби кўшни давлатлар ўз ҳудудидаги тармоқни бутунлай муҳосара қилишга муваффақ бўлишди. Ушбу чора-тадбирлар руҳий таназзулга учраган ёшлар сонининг кескин ўсиши билан бевосита боғлиқдир. Бир-бирига нафрат билан қарайдиган, бошқаларни ҳақорат қиладиган ва ҳис-туйғуларини жиловлан олмайдиган ёшлар сони кўпайди, — деб ҳисоблайди депутат.

Мухтабар Абдуғаниева, муаллима:

— Мен ҳам онда-сонда «Тик Ток»ка кириб тураман. Унда фақат ёмон эмас, фойдали, масалан, хотин-қизлар учун янгича таомлар тайёрлаш, саломатлик тўғрисида маслаҳатлар, гузаллик сипларини ўргатувчи лавҳалар ҳам бор.

Икки ёшли неварам ҳам кўради.

Уғлим ҳайдовчи бўлиб ишлайди, йўлда юрса ҳам тик-токни кўриб улгуради.

Қариндош-уруғлар йиғилганда ҳам тик-токдагиларни гаплашамиз. Дийдор ғанимат-ку, кўз-кўзга тушса меҳр-оқибат кучаяди, деймиз. Амалда эса акси.

Бугунги кунда ана шу каби ижтимоий тармоқлар кўпчилигининг, айниқса, ёшлигининг илм-маърифат олиб, саводхонлигини ошириш йўлида тинимсиз изланадиган ёшларнинг қиммат вақтларини ўғирлаётгани, ҳаёлларини бузаяпти, онгини захарлаётгани. Ёш оилаларда келишмовчиликлар юзага келяпти. Чунки, уйда ўтирган аёллар тик-токда турли руҳшуносларнинг курсларига ёзилиб, оилада аёл кишининг ўрни, қадри ҳақида ноодатий фикрларни эшитиб олиб, оилавий қадриятлар ва эр-хотин ўртасидаги муносабатлар мустақамлигини сақлаб қолувчи тушунчалардан йироқлашиб оқибатида оилаларда уруш-жанжаллар кўпайяпти. Шу сабабли оиламиз, фарзандларимизга етарли вақт ажратмаймиз, улар билан суҳбатлашмаймиз, юрган, ўтирган жойимизда, ҳатто таомланган вақтда ҳам кўлимиздан телефон тушмайди. Бундай муҳимда вояга етган ёш авлоддан нима кутшимиз мумкин?! Афсуски, бу яхшиликка олиб келмайди. Шаҳсан ўзим чеклов қўйиш керак, деб ўйлайман.

Собиржон МАМАДАЛИЕВ, икки фарзанднинг отаси:

— Илгари одамлар китобдан ёки телевизордан кўрганни гапирардилар, ҳозир «тик-ток»дан сўзлашмоқда. Бугунги кунда нафақат ёшлар, балки айрим катталар ҳам ижтимоий тармоқларга қарам бўлиб боришмоқда. Қаврда кўрмайлик, жамоат жойларда, транспортларда кўпчиликнинг кўлида телефон, яна овозларини баландлатиб, турли лавҳалар кўриб ўтиришади. Агар биров кўнгириқ қилиб қолса, бемалол баланд овозда гаплашишади. Илгари бува-буваларимиз бизнинг болалигимиздан меҳнатга ўргатишарди, дастурхон бошида гаплашиб ўтирардик, тарбия тариқасида турли ибратли воқеаларни айтиб беришарди. Ҳозир эса катталар ўзлари дастурхонда телефон билан ўтиради, мактабдан, боғчадан келган фарзандлари ёки набиралари билан гаплашиб бу ёқда турсин, ишдан чарчаб келдим, дам оламан, деб хонасига кириб кетади. Уларни кўриб вояга етмаган болалар қаяққа боради? Албатта, қуш уясида кўрганни қилади.

Янгиликларда кўриб қолдим, Туркистон вилоятида балоғат ёшига етмаган бола ота-онаси телефони олиб кўйгани учун ўзини кўприкдан ташлаб юбормоқчи бўлган.

Яна бир туманда ёш оилада — аёл тик-токка видео жўйлагани учун, эридан гап эшитиб, иккисининг орасида катта жанжал бошланган, сўнги кувени ўлдириши билан тугабди. Нима бўляпти одамларга?!

Одамлар орасида, эр-хотин ўртасида, ота-она билан фарзандлар ўртасида, жигарлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолмоқда, ўзаро суҳбатлашиб, бир-бирини тинлаш олиш каби қобилиятдан мосуво бўлмоқдамиз. Бир-бирини ҳурмат қилиш, қизлар



одоби, маданият ва маърифатдан, оилавий қадриятлар каби муқаддас фазилатлардан йироқлашамиз. Буларнинг барчаси ушбу телефон, интернет туйғули, деб айта оламиз. Депутатнинг таклифини қўллаб-қувватлайман.

Сарвиноз АБДУРАИМОВА, талаба:

— Депутатнинг фикрига қўшиламан. Аммо, ҳозир рақамли саводхонликка эга ва ижтимоий тармоқлар ҳамда турли онлайн платформалардан фаол фойдалана оладиган авлод вояга етмоқда.

Улар ўз видеоларларини яратадилар, турли челенжларда (хайрия, саводхонлиқни ошириш каби) иштирок этадилар ва бошқа фойдаланувчиларнинг контентини кузатадилар. Тик-ток ҳозирги кунда кўплай ёшлар учун маданият, мулоқот ва даромдининг муҳим қисмига айланди.

Мақолани тайёрлаш давомида депутат Алишер Сотволдиевнинг саволига Ҳукуматдан жавоб ҳам олганимди. Унда, қонунга зид контентни аниқлаш бўйича доимий мониторинг юри-

тилиб, натижада аниқ чоралар кўрилгани ҳақида айтилган. Масалан, ўтган йили 44 630та материал болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборот сифатида қайд этилиб, платформадан олиб ташланди. Шунингдек, яқин кунларда тик-ток ҳамда «Мета» компанияси вакиллари билан онлайн учрашув ўтказиш режаланган ва унда айрим ижтимоий тармоқларга қўйиладиган янги талаблар муҳокама қилинишини айтган. Сенатор тик-токнинг сўзларининггина қозоқчага ўгириб, муаммони ҳал қилиш бефойдалигини таъкидлади. Шу сабабли, мониторинг

давомида миллий манфаатни биринчи ўринга қўйиб, қозоқ тили контентларни такомиллаштириш ҳамда бу ишда сунъий заковатдан фойдаланиш масаласига аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, «Тик-ток» ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, улар орасида минглаб бошлангич синф ўқувчилари ҳамда ўсмирлар ҳам бор. Агар ҳозирдан бундай ижтимоий тармоқларга чеклов қўйилмаса, келажакни ёшларга ишонли топириш хавфи бўлади.

Малика ЭЛТОЕВА.

»» Сатир ва ҳажв бурчаги

СУҲБАТ

Телефон жириглади.
— Алло, сенмисан?
— Менман, бошқа ким бўларди.
— Нега тушдан кейин ишга келмадинг?
— Мен... ҳалиги...бошим оғриб, шифохонага боргандим.
— Кеча нега ишга соат 10да келдинг?
— Кеча? Қайнонамни поездга солиб юбордим.
— Унда нега ичиб келдинг?
— Ичмасдим, бир оғайнимнинг гапига кириб...
Ўзининг бошинг йўқми, биров ич деса ичаверасанми?
— Келиб, «юр, оғайни, Тўрақулни уриб қайтамиз», дегандан кейин ёрдам бериб юборай, деб боргандим, кейин билсам, «тўрақул» ароқ экан...

— Мен ҳар бир ҳаракатингни кузатиб юрибман. Ҳатто, ишдан кейин ким билан кўнгирилхушлик қилётганингни ҳам биламан. Эҳтиёт бўл, Али!

— Али? Нега Али? Ахир мен Валиман!
— Пардаевми?
— Назаров...

— Э, ундай бўлса узр, адашиб, бошқа ёққа тушиб қолибман.

Суҳбат шу ерда узилди.
— Одамларга ҳайронман, деди Вали. — Алининг аламини Валидан олишмоқчи шекилли...

ҲАҚОРАТ

Кабинетимга Мавлонов кирди. Бирон нарса демоқчи бўладую, айтолмайди.
— Сенга нима керак? — сўрадим мен. — Менинг ишларим кўп.
— Мен... Кечирим сўрашга келгандим.
— Кечирим?
— Кеча ҳаммамнинг олдида мени изза қилганингиздан кейин сизни ҳақорат қилдим. Ичимда, ҳаёлан албатта. Ҳозир эса афсусланяпман. Видеоним қийналяпти.
— Мени ҳақорат қилишга

қандай журъат эдинг? — жажлга миндим мен. — Хўш, нима деб ҳақорат қилдинг?
— Айтишнинг ўзи ноқулай...
— Ай!
— Аблах, дедим.
— Ҳеч ким эшитмадимми?
— Йўқ, ичимда айтдимку...
— Нега ундай қилдинг?
Ахир мен сени бекорга уришмагандирман...
— Йўқ, бекорга эмас, лекин сиздан қаттиқ хафа бўлган эдимда. Шунинг учун кечирим сўраб, олдингизга келдимку.
— Майли, — дедим мен. — Бир сафар кечираман. Лекин бошқа такорланмасин!
Мен унга анча бақириб, адабини бермоқчи эдим, лекин фикримдан дарров қайтдим. Жуда кўпол йигитди. Ичида бўлса ҳам, яна ҳақорат қилиб юрмасин.

ЯШАШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Оммавий ахборот воситалари, интернет саҳифаларидаги жиноят оламида содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилиб, қуйидаги фикрга келдим.
Агар сиз ноқонуний йўл билан миллион доллар топсангиз, сизни ўлдириб кетишлари мумкин.
Агар сиз ҳалол меҳнатингиз билан миллион доллар топсангиз... унда ҳам ўлдириб кетишлари мумкин. Ҳазиллашиб бўладими, миллион доллар билан.
Агар кўчага тунда миллион долларсиз чиқадиган бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг. Саёқ юрган таёқ ёйди.
Агар туш вақтида пулсиз чиқсангиз, унда ҳам эҳтиёт бўлинг. Сизни кимгадир ўхшатиб қолишлари мумкин.
Агар сиз ҳеч кимга ўхшамасангиз, пулингиз бўлмагани учун ўлдириб кетишлари мумкин.
Шундай экан, ўзингиз ҳисоблаб кўринг, узоқ яшаш учун қанча пул топган маъқул.

С. МИРЗО.

»» Турмуш чорраҳаларида



Аббос амакининг келини Саодатда тўлғоқ бошланди. Уғли бир неча кунга бошқа шаҳарга хизмат сафарига кетганлиги боис, Аббос амакининг ўзи келинини туғруқхонага олиб боришга тўғри келди. Аёли эса оғир бетоб, ўрнидан кўзгаллишга ҳоли йўқ.

— Яратган эгамнинг ўзи оқ йўл берсин, қизим! — деди қайнона келинига зўрға ишора билан.

Туғруқхонага келишгач, орадан озми кўпми вақт ўтмай, Саодатнинг кўзи ёриди. «Ҳолва» деб чиқишди ҳамширалар. Аббос амаки хурсанд бўлиб, уларга суюнчи чўзди. Бирок, кўллари ҳавода муаллақ қолди.

— Узр, отахон, суюнчингизни ололмаймиз. Чақалоқ ногирон. Яшаб қолишига умид бўлса-да, тузалиб кетишига шубҳамиз бор.

— Унда... бир умр ногирон... Уғлим, келинимнинг бу хабарга бардоши етармикан?! Бундан ташқари, қандай қилиб, ногирон болани уйга олиб кетаман. Яна биринчи неварам бўлса. Яхшиси, — титради Аббос амаки, — ўғлим, келиним ҳали ёш. Фарзанд кўришади. Умр бўйи ногирон бола доғида қуйиб ўтишгунча, чақалоқни ўлди, деб расмийлаштириб қўя қолинглар.

Шифокору ҳамширалар бу галати «таклиф»та аввалига кўнишмади. Аббос амаки у қилди, бу қилди уларнинг оғзини «бекитди»...

Саодат ўзига келгач, боласи ўлик туғилгани ҳақидаги шум хабардан адо бўлди. Бўм-бўш бағир билан уйга қайти. Узоқ вақт хуш-бехуш

юрди. Қайнонаю-қайнота, эрининг меҳрибонлиги Саодатни аста-секин яна ўзига қайтара бошлади.

Орадан йиллар ўтди. Саодат яна икки фарзандга она бўлди. «Ўлган» фарзанднинг доғини унутди. Аббос амаки эса «савоб» деб Болалар уйига тез-тез қатнашни қанда қилмас, хайр-эҳсондан чарчамасди...

Нима ҳам бўлдию, Наврўз кунларининг бирида Саодатни ишхона томондан Болалар уйига совға-саломларни топшириб келиш учун жўнатишди. Қўллари болаларга аталган совға-саломлар билан лиқ тўла Саодат Болалар уйига келиб, кутилмаганда икки тарбиячининг суҳбати устига тушиб қолди. Бутун вужуди оловланиб, аъзойи-баданини титроқ босди.

Бир тарбиячи:

— Жуда саховатли инсон-да, шу Аббос амаки дегани. Қара, бугун ҳам болажонларни хурсанд қиляпти. Айниқса, анови ногирон қизалоққа меҳри бўлакча... — деса,

— Ҳимм... меҳри бўлакча эмиш, — пичингнамо сўзлади иккинчи тарбиячи, — аслида, жуда қув одам-ку, ўша Аббос амаки дегани. Бундан тўрт-беш йилча бурун ўз келини туққан ногирон болани уйига олиб боришдан ҳазар қилиб, уни «ўлди» деб расмийлаштирган. Ва ноилож бечора гўдакни шу ерга келтиришган. Аббос амаки бу ерга савоб эмас, виждон азоби етаклаб келди, билсанг...

ЛАЙЛО.

»» Хотира

БОТИР УСТОЗ ҲАҚИДА

Ҳар гал таҳририят ишлари билан Саврон туманидаги тажрибали устоз Музаффар Умаров раҳбарлик қилаётган Қорачиқ умумий ўрта мактабига ташриф буюриб, кутубхона мудираси Гавҳар Абсетова, устозлар жамоаси билан обуна ҳақида суҳбатимиз чоғида олий тоифали устоз Ботир Бобохон ўғли билан ҳам албатта мулоқотда бўлардик.

Фаол обуначиларимиз — таниқли шифокорлар Шуҳрат Юсупов, Раҳматулла Қурбоновлар билан кадрдон дўст эди. Ботир Қурашев Қорачиқ кишлоғидаги собиқ «Победа» ҳозирги «Турон» умумтаълим мактабидан сўнг, Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлади.

Ҳарбий хизматни ҳам адо этгач, меҳнат фаолиятини дастлаб ўзи ўқиган ўрта мактабда бошлаб, 1997 йилдан Қорачиқ ўрта мактабига тарих-география фани ўқитувчиси сифатида меҳнат қилди. Директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. Битирувчи синф ўқувчиларини масъулиятли синов — ЯМТга тайёрлашда кўп самарали хизматлари билан танилди.

Умр йўлдоши, ўзи каби педагогика — мураббийлик соҳасида Жиззахдаги техникумни тамомлаб шу соҳада меҳнат қилган Тамара Отахон қизи билан қобил фарзандлар — Умиджон, Роҳила, Ҳалима, Гулноза, Дилдорларни тарбиялаб, ширин-шакар неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Меҳнати туман, вилоят таълим бўлимлари томонидан муносиб тақдирланган. Ботир устоз ҳаётини, билимини ҳимматларининг энг улуги — толиби илмга баҳшида этди. Муносиб иқтидорли шогирдлар тарбиялади.

62 ёшида муқаддас рамазон ойи қадр кечаси арафасида чин дунёга рихлат қилган Ботир Бобохон ўғли бирга меҳнат қилган устозлар, оиласи, фарзандлари, уни билган, қадрлаган барча инсонлар, юзлаб шогирдлари хотирасида барҳаётдир.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Сайрамлик ҳамкасблари ва дўстлари узоқ йиллар тиббиёт соҳасида самарали хизмат қилган меҳнат фахрийси Анормат Аҳмадқуловга рафиқаси **РОҲИЛА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этадилар.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



Қорабулоқлик таниқли суҳандон Ҳамроқул Давронбеков мана, салкам етмиш йилдан зиёд давр мобайнида санъат соҳасида баракали хизмат қилиб келмоқда. Атоқли санъаткор билан уюштирилган суҳбат маданият ва маънавият масалаларига бағишланди.

Ҳамроқул ДАВРОНБЕКОВ: “ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП...”

– Ҳамроқул ака, маълумки, ҳар қандай жамиятнинг қиёфаси халқнинг маданий ва маънавий тараққиёти, санъатнинг раънақи билан ўлчанadi. Мазкур соҳаларда бугунги кунда ўрин олган долзарб масалаларга тўхталсангиз...

– Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Атиров шаҳрида ўтган III Миллий курултойдаги маърузасида миллиятнинг янги қиёфасини акс эттирадиган асосий қадриятларга тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Биз ушбу устувор қадриятларни ёш авлод онгига синдиришимиз зарур. Адолатпарвар фуқаро деганимиз – яхши хусусиятларга эга бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб, муваффақиятга эришадиган одам. Яъни, ҳақиқат ва адолатни барчасидан устун қўяди”.

Дарҳақиқат, ёш авлоднинг миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар руҳида тарбиялаш масаласи доимий эътиборда бўлиши зарур. Ҳолбуки, бу борада ечимини кутаётган масалалар етарли. Ҳаётнинг тажрибамдан келиб чиққан ҳамда айтишим мумкинки, илгари ҳам ушбу йўналишда яхшигина ишлар юритилган. Утган кунларни унутиб бўлмайди.

– Санъат оламига кириб келганингиз ёдингизми?

– Албатта, ёдимда. 1948 йил мактабда илк бор “Осмондаги пўлат куш” кўшигини ижро этиб саҳнага чиққанман. 50-йилларда қишлоқда маданият соҳасида биринчилар қаторида суҳандон бўлиб хизмат қилдим. 1950 йили Қорабулоқ қишлоғига вилоят театри ташриф буюрганда, 12 ёшимда саҳнага чиқиб арман ёзувчиси Аватик Исақияннинг “Она юраги” монологини ёд айтганман. Уша кун театрнинг музика раҳбари Мирза Бегматов менга тўйларда суҳандонлик қилишни таклиф этди. Шу вақтдан этиборан, элга хизматим бошланди.

Мактабни тамомлаб, қишлоқ клубида ишладим. Уша даврда К. Отаниёзов, М. Узоқов,

Т. Қодиров, Ф. Умаров, О. Худойшукуров каби таниқли санъаткорларни Қорабулоқ қишлоғига концерт беришга таклиф қилардик.

1954 йили Сталин номли мактабда тарбиявий ишлар ташкилотчиси Дарё Саяпова ёрдамида бадиий ҳаваскорлар тўғрагини ташкил қилдик. 1956 йили вилоят фестивалида “Ичкилик” ҳажвий кўшиғим билан биринчи ўринни эгалладим. 1957 йили 1 апрелда қишлоқ шўроси раиси Эргаш ака Таштеновнинг таклифи билан маҳаллий радиога берилган “Кулгу саҳифаси”га бошловчилик қилганман. 1958 йили Янгийўл туманидаги “Нов” халқ театрининг гастролни уюштиришга муваффақ бўлдик. Уша йилларда турли фестивал ва танловларда иштирок этдим. Масалан, 1959 йили Алматыда ўтган фестивалда 3-ўрин олганман. 1961 йили туман миқёсида ўтган танловда дўстим Даврон Жавлонов билан “Ошпазим” кўшигини ижро этиб, 3-ўринни қўлга киритганмиз. 60-йилларда эса туман Маданият уйи директори, маданият жонкуяри Абдулла ака Нуров билан ҳамкорликда талай тадбирлар уюштирганмиз.

1962 йили ҳарбий хизматга қақрилиб, ўша жойда партия сафига қабул қилиндим. Артиллериячилар полкида хизмат қилиб, санъаткор сифатида эътироф топдим. Ёдимда, ўшанда русча кўшиқ ижро этиб, бутун Туркистон ҳарбий округини кезиб чиққандим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, клубда хизматимни давом эттирдим. Кейинги йилларда ҳам ўзбекистонлик Ш. Жўраев, О. Отажонов, М. Холиқов ва бошқа машҳур санъаткорларни таклиф этиб, халққа маънавий озуқа улаштира ҳисса қўшдим.

1989 йили Қорабулоқ қишлоғида касалхона очилганда невропатолог Сайдазим Комиловнинг таклифи билан илк бор видеотасвирга тушганман. Дарҳақиқат, тўй-маърака, байрам ва учрашувларни видео-

тасвирга муҳрлаш орқали тарихни тиклашга ҳисса қўшдим. Камина бошловчилигида суратга олинган “Қорабулоқ – қутлуғ маконим” видеофильми ҳам шундай ниятларнинг ижобатидир.

– Сиз давлат тилининг жонкуяри сифатида танилгансиз. 2001 йили ўша вақтдаги вилоят ҳокими Бердибек Сапарбаевга ўзбек тилининг қўлланishi доирасини кенгайтириш борасида савол берган экансиз...

– Ҳа, вилоят ҳокими Б. Сапарбаев билан 2001 йили 3 майда Қорабулоқ қишлоғидаги Маданият уйида ўтган учрашувда таълим муассасаларида давлат тили билан бир қаторда ўзбек тилидаги ёзувларнинг бўлиши жозими, дея мурожаат қилганман.

Албатта, давлат тилини билиш Қозғоғистонда яшовчи барча фуқароларнинг бурчи. Шунингдек, она тилимизнинг истиқболини ҳам унутмаслигимиз жоиз.

– Бугунги кунда Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасига Баҳоидир Ирисметов раҳбарлик қилмоқда. Асосий эътиборни қайси йўналишларга қаратиш зарур, деб ўйлайсиз?

– Эндиликда нафақат вилоят даражасидаги, балки барча ўзбек этномаданият бирлашмалари, шунингдек, Қозғоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг фаолиятини жонлантириш жоиз. Ҳисобот-саноат курултойини ҳам ўтказадиган вақт келди. Республика ва вилоятлардаги ўзбек этномаданият бирлашмалари қўлни қўлга бериб иш юритишлари, бирлашма раҳбарлари кўпчилик олдида ҳисобот беришлари, шунингдек, элга манзур бўладиган маданий ва маърифий тадбирларни қўлга олишлари зарур. Масалан, бир пайтлар яхшигина қанот ёзган



Воҳдайт

“ЧЕКМА КЎП РАНЖ, НАВОЙИКИ,
КИШИ ТОПМАЙДУР
ЎЗИДАН ХАЛҚНИ ХУШНУД
МУРООТ АЙЛАБ”.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: эй Навоий, кўп ғам-қайғу чекма, чунки одамлар ўзларига марҳамат кўрсатганлардан сира миннатдор бўлмайдилар).



“ҲОЗИРГИ ДАВРДА, БИРОР
КИШИ ТЎҒРИСИДА “У ЯШАШ-
НИ БИЛАДИ”, ДЕГАНЛАРИДА,
ОДАТДА, ҲАЛЛОЛЛИГИ БИЛАН
БОШҚАЛАРГА ҚАРАГАНДА УС-
ТУН БЎЛМАГАН КИШИ ТУШУНИ-
ЛАДИ”.

Жорж ГАЛИФАКС,
Англия давлат арбоби.



“БУТУН КОИНОТ БИР-БИРИГА СЕВГИ
ИЛА БОҒЛАНГАН. СЕВГИНИ БЕРИШНИ
ЎР-ГАН. ЧУНКИ КЎНГЛИДА ИШҚИ ЙЎҚ
ОДАМ-ДАН КОИНОТ ҲАМ УЗОҚҚА ҚОЧАДИ.

Жалолiddин РУМИЙ.

КОСОВ

Косовнинг юмуши оғир эмас. Вақти-вақти билан ўчоқни чуқулаб, оловни «тезлатиб» турса, бас. Бир дарахтда ўсган биродарларини куйдираётганига ачинмайди. ўзи ёнмаганига хурсанд.

Шунақа-ку, косов ҳадеб ўчоққа кириб-чиқаверганидан кейин қораяди. Қўлни кир қила бошлайди.

Учи секин-секин ёниб, капталашади. Қўлни куйдиради... Шунда унинг ўзини оловга улоқтириб юборадилар.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Кун ҳикмати

“МАҚТОВНИНГ БАРИ ҚАРЗ. ҲАДЕБ ҚАРЗ
ОЛАВЕРИШ ҲАМ ОДАМНИ ТОЛДИРАДИ. АНА
ЭНДИ ЎЙЛАБ КЎРИНГ: ҲАММАДАН ҚАРЗ
ОЛИБ ҚАРЗДОР БЎЛИБ ЮРГАН ОДАМ
ҚАНДАЙ ЯШАЙДИ-Ю, ҲЕЧ КИМДАН ҚАРЗИ ЙЎҚ
ОДАМ ҚАНДАЙ ҲАЁТ КЕЧИРАДИ...”

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси.



- АГАР ХАЛҚ ҲУКУМАТДАН ҚЎРҚСА, БУ ЗОЛИМОНА ҲУКМ-РОНЛИК, АГАР ҲУКУМАТ ХАЛҚДАН ҚЎРҚСА, БУ ОЗОДЛИК.
- БИЗНИНГ ҲАЁТ ТАРИМИЗ ПАНД-НАСИҲАТ БЎЛИШИ КЕРАК, СУЗЛАРИМИЗ ЭМАС.
- БОШҚАРИШ САНЪАТИ ТЎЛАЛИГИЧА ҲАЛОЛ БЎЛИШ САНЪАТИДАН ИБОРАТ.
- МАРДГА ҚАРАГАНДА, ҚЎРҚОҚ КЎПРОҚ БАҲСГА КИРИШАДИ.
- МАШҲУР БЎЛИШДАН ИНСОН БЎЛИШ МУҲИМДИР.
- ҚОНУНЛАР ОДДИЙ КИШИЛАР УЧУН ЁЗИЛАДИ, ШУНИНГ УЧУН УЛАР ОДДИЙ, ТЎҒРИ ФИКРГА АСОСЛАНГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.

Томас ЖЕФФЕРСОН,
АҚШнинг 3-президенти.

Табобат

ПОМИДОР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КЎЗ НУРИНИ РАВШАНЛАШТИРАДИ

- Кўз хиралашши. Тўр парда ва кўриш асабининг тугма нуқсонлари, касалликлари, кўз шикастланиши, глаукома, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, қон-томир, эндокрин ва асаб тизимининг касалликлари ҳам кўз хиралашувига олиб келади.
- Помидор С витамини ва ликопен манбаи ҳисобланиб, кексаларда кўриш қобилиятининг пасайишини тўхтатади.
- Янги помидорларни зайтун мойи билан бирга истеъмол қилиш кўз учун жуда фойдали.



УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Инсон ёши ўтган сари атеросклероз ёки холестерин миқдорининг ошиши каби касалликларга мойил бўлиб боради. Улар юрак хасталикларига келиб чиқишига туртки бериши мумкин. Бунинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор қаратинг.

- 100 мл. лимон суви сиқиб олинади, унга 200 г. асал, 50 мл. зайтун ёғи қўшилади. Тайёр аралашмани ҳар кун 1 ош қошиқдан овқатдан 40 дақиқа олдин ичиш лозим.
- Бу ажойиб малҳам юрак мушакларини мустаҳкамлаш, қон томирлари фаолиятини ва моддалар алмашинувини яхшилашга ёрдам беради.

“Саломатлик сирлари”дан.



САҲОВАТПЕША ХАЛҚИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!

Юртимиз синовли дамларни бошидан кечирмоқда. Қатор минтақалар сув тошқинидан зарар кўриб, қозғоғистонликлар ҳаётида анчагина танг вазият юзага келгани кўпчиликини саросимага солиб қўйди. Ҳар қандай офат, танглики фақат бирлашган ҳолдагина бартаараф этишимиз мумкин.

Табий офатдан зарар кўрган вилоятларга ёрдам кўрсатишда тулкибошлик ҳам фаоллик танитмоқда. Тулкибош тумани Озодлик қишлоғи фаоллари, қишлоқ ҳокимлиги, оқсоқоллар кенгаши, туман ўзбек этно маданият бирлашмаси, аҳоли ҳомийлигида 5 млн. тенгелик турли жиҳозлар Ақтўбе вилоятига жўнатилди. Бу савоб ишда бош-қош бўлган тадбиркорлар Ҳожиакбар Сайдазимов, Илёс Баратов, Султнали Эралиев ва ёрдами аямаган барча юртдошларимизга миннатдорчилик билдираман.

Озодлик қишлоғи ҳокимлиги оқсоқоллар кенгашининг раиси Қобилжон Турсунбоев, туман маслаҳат депутати Данияр Байсбаев ҳамда камина юкларни табий офатдан зарар кўрган вилоятга етказиб беришда бош-қош бўлдик. Бу халқимизнинг бирлиги, ҳамжиҳатлигини ёрқин ифодасидир. Бирлиги ярашган халқимиз омон бўлсин!

Журъат АНОРОВ,
Тулкибош туман
ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

М. Ауезов номидаги ЖҚУнинг филология факультетида табий, техник, ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича 27-республика илмий-талабалик анжумани ўтди.



Рус тили ва адабиёти талабалари “Замонавий тилшунослик ва адабиётшунослик” шўъбаси фаолиятида фаол иштирок этишди. Анжуман замонавий рус тили, рус ва хориз адабиёти, рус тили ва адабиётини ўқитиш услубияти, медиалингвистикага дахлдор долзарб масалаларни муҳокама қилишда илмий майдонга айланди. Унинг иштирокчилари мавзунинг долзарблиги, маърузаларнинг даражаси, талабаларнинг илмий баҳсларда иштирокчини юқори баҳолашди.

Таъкидлаш жоизки, талабаларнинг илмий ривожлантиришга қизиқишлари йилдан йилга юксалаётгани кувонарли ҳолдир. Анжуман доирасида ташкил этилган танловларда филология факультетининг талабалари Тахмина Сартоева, Анжела Мирдина, Зулфира Каримова ва бошқалар совринли ўринларни эгалладилар.

“Жанубий Қозғоғистон” муҳбири.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.
Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БҮРОНБЕКОВ.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сузоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.
Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ324РҲУ0022503 сувоҳнома берилган.
«ЕРУНЖ» МЧБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.
Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Нашр кўрсатиши – 65466. Адади – 11700 нуска.
Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.